



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ

“МАЪНАВИЯТ АСОСЛАРИ ВА ҲУҚУҚ ТАЪЛИМИ” КАФЕДРАСИ

“Миллий ғояда умумбашарий тамойиллар” мавзусидаги

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Бажарди: “Миллий ғоя, маънавият
асослари ва ҳуқуқ” таълим йўналиши
битирувчи 4 курс талабаси
Досов Бекзод Алламуратович

ИЛМИЙ РАҲБАР:
доц.Х.Худойбердиев

ТЕРМИЗ-2012

Мундарижа

I.Кириш.....	2
II.Адабиётлар таҳлили.....	9
III.Асосий қисм	
I-БОБ. Миллий ғоя миллий мафкура тушунчаларининг мазмун- моҳияти	
1:1. Миллий ғоя тушунчасининг мазмун-моҳияти.....	12
1:2. Миллий мафкура тушунчасининг мазмун-моҳияти.....	18
1:3. Ғоя ва мафкураларнинг турлари ва шакллари.....	30
II--БОБ. Миллий ғоянинг умумбашарий тамойиллари	
2:1. Миллий ғоянинг амал килиш тамойиллари.....	38
2:2. Миллий ғоянинг умумбашарий тамойиллари.....	57
IV.Хулоса.....	67
V.Фойдаланилган адабиётлар	69

Кириш

Мавзунинг долзарблирги: Хар қандай жамият ўзи хос ривожланиш йулини танлар экан, олдига муайян мақсад ва вазифаларни қўяди. Зеро, бу вазифалар жамият, давлат халқ ва миллат тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маърифий, таълим-тарбия ва мафкуравий жараёнларнинг ўзвий бирлиги асосида амалга ошади.

Инсон ҳеч қачон ташки дунёдан ўзини қуршаб олган оламдаги ўзгаришлар, руй бераётган ходисалар, воқеа жараёнлардаги ажралиб қолган, уларни ҳис этмаган ҳолда, уларнинг таъсирсиз яшай олмайди. Халқлар, миллатлар, ижтимоий-сиёсий кучлар фаолияти туфайли содир булган турли ходиса ва жараёнлар одамлар онги, тафаккури ва дунёқарашига таъсир қилади. Ҳаётда мақсади, юксак ғояси, эзгу орзу-интилишлари бўлмаган инсон ва жамият аъзолари табиий эҳтиёжлар доираси билан чегараланиб, маънавий юксакликка эришиши кийин. Айрим ёвўз кучлар таъсир кўрсатиш орқали ўз гаразли ниятларига етиш мақсадида фойдаланишлари мумкун. Шу сабабли барча даврларда инсон ва жамият ўз мақсад-муддаоларини ифора эта диган манфаатига зид булган зарарли ва бегона ғояларга қарши туради.

Хар бир халқ, миллат ва жамият ўз манфаатига хизмат қилиб, унинг тараққиёти таъминлашга ёрдам берадиган муайян ғояга эҳтиёж сезади.

Бинобарин, ғоя муайян миллат ва халқнинг мақсад-муддаолари, манфаатлари замирида шаклланади ҳамда такомиллаша боради. Миллий истиклол ғояси ҳам миллат манфаатларини, халқнинг орзу-истақларини ўзида мужассамлаштиради. У ўзининг ҳаётбахш ғоялари, буюк мақсадлари билан ўз куч-гайрати, ақл заковати ва хатто ҳаётини буюк ғоялар йўлида бахш этишга тайёр комил инсонларни тарбиялашга хизмат қилади.

Инсоният тарихидан маълумки, ер юзида дастлабки одамзот пайдо бўлиб, унинг уруг, қабила, жамоа ёки халқ сифатида шаклланиши руй берган дастлабки даврлардаёқ уларни бирлаштириб турадиган умумий ғоя ва мафкурага эҳтиёж тугилган. Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.

Каримов таъкидлаганидек: «Чунки, мафкура жамиятда яшайдиган одамларнинг хаёт мазмунини, уларнинг интилишларини ўзида мужассамлаштиради».

Дарҳақиқат, барча даврларда ҳар бир давлат, халқ, жамиятнинг ўзига хос ғояси ва мафкураси булган. Чунки, жамиятнинг, халқнинг ўз олдига куйган аник мақсади, уни амалга оширишда жамият ахлини бирлаштирадиган, сафарбарликка ундайдиган ғояси ва мафкураси булмаса, у мукаррар равишда халокатга махкум булади.

Ғоя, мафкура жамиятнинг ўз олдига куйган аник мақсади бўлиб, бусиз жамият ўз йулини йукотади. «Мақсад дегани»¹, - деб ёзган эди. И. А. Каримов халқни, миллатни бирлаштирувчи, йулга бошловчи бамисоли бир байрок. Бу байрок бутун Ўзбекистон халқининг руҳини, гурур-ифтихорини, керак булса кудратини, орзу-интилишларини мужассамлаштирадиган улуг кучдир. Давлатимизнинг, халқимизнинг, Эл-юртимизнинг мақсади ўзининг улуғворлиги, хаётийлиги ва ҳаққонийлиги билан ҳаммамизни жалб этадиган бўлмоғи лозим. Токи бу мақсад халқни-халқ, миллатни-миллат қила билсин, кулимиз-да енгилмас бир кучга айлансин.»

Мафкуранинг хаётийлиги одамларнинг, миллатнинг, жамиятнинг миллий манфаатларини, орзу-интилишларини кайдаражада акс эттира оладиган бош ва асосий ғоялар, бу ғоялар уларнинг турмуш билан белгиланади. Хаёт синовларига бардош берадиган, одамларнинг эзгу мақсад-муддаоларини ифо-далайдиган, уларга маънавий-рухий қувват берадиган мафкурани купчилик қабул қилади. Факат шундай холдагина у кучли рухий кудратга эга булади. Шу сабабли ҳам мафкура барча даврларда жамиятни юксак ва бунёдкор мак-садлар йўлида бирлаштириб, жамият ахли уртасида соғлом муносабатларни шакллантирган, ҳамда эзгу орзулар, мақсад, муносабатларни шакллантирган, ҳамда эзгу орзулар, мақсад, муносабатларни

¹Каримов.И. А. Миллий истиқлол мафкураси-халқ этикоди ва буюк кела-жакка ишончдир. –Т. : «Ўзбекистон», 2000, 6-бет.

шақллантирган, ҳамда эзгу орзулар, мақсад-муддаоларига эришишда маънавий-рухий куч-қувват берадиган омил вазифасини бажариб келган. Шунинг учун ҳам ғоя ва мафкура барча инсонлар, ҳалқлар, жамият ва давлат олдида турган муҳим вазифаларни амалга оширишда ёрдам берадиган турли соҳада фаолият юритадиган жамият ахлини бирлаштириб, уларни умумий мақсад сари сафарбар этадиган буюк кучдир.

Шу сабабли ҳам инсонлар, ҳалқлар, жамият ҳаётида муҳим роль уйнайди. Мафкуранинг ҳаёт бахш кучи, аввало, инсоннинг жамиятдаги урни ва аҳамиятини қандай тушуниши ва уни қандай ижтимоий ҳаракат ва фаолиятга ундаш ва шу тариқа кўзланган муайян мақсад-вазифаларга эришиш дунёдаги барча эзгу мафкураларнинг маъно-моҳиятини ташкил этади.

Лекин дунёда бунёдкор мафкуралар билан бир каторда, вайронкор, эзгуликка карама-қарши мафкуралар ҳам мавжуддир. Улар орасида тоталитар, муйабид мафкуралар ҳам мавжуд. Бу муайян давлат, жамиятда ягона мафкуранинг тула ҳукмронлигини, унга хос принципларнинг ўзгармас акидалар тарзида жамият ҳаётида қаттиқ ва мутлоқ тартибда ўргатилишини ифодалайди.

Алоҳида мафкура яккахонимлигининг моҳияти шундаки, бунда Бирон-бир мафкуравий тизим ягона илмий жиҳатдан асосланган энг адолатли, жамиятдаги муайян катлам манфаатларини ифода этувчи мафкура деб эълон қилинди. Ўзининг моҳияти ёки бирон-бир жиҳати билан ундан фарқ қилувчи ғоялар, қарашлар, мафкуралар ёт ва душман мафкуралар сифатида эътироф этилади. Фикрлар, ғоялар хилма-хиллиги инкор этилади. Оқибатда, Миллионлаб кишиларда ягона фикрга мослашиш, мутелик, лоқайдлик, боқимандалик, маҳдудлик, ўзга ғояларга ҳадинсираб қараш руҳияти шақлланади. Жамиятнинг маънавий ривожига, илм-фан раванкига жиддий зарар етказилади. Аслида бундай ягона мафкура яккахонимлиги ёвўз ниятларда амалга оширилади, давлат мафкурасига айланади. Ижтимоий ҳаётнинг ривожига

салбий таъсир курсатади ва жамият ҳаётини, фикрлар эркинлигини бугади. Миллий мафкура-миллатнинг этносоциал бирлик сифатида мавжуд ва ривожланиши, эркин ва озод тараққиёти асослаш, таъминлашга қаратилган ғоявий назарий қарашлар тизимидир. Миллий мафкурани фақат бир миллат ёки халқнинг мафкураси деб тушуниш тугри эмас. У муайян давлат ёки жамиятнинг умумий мафкураси ҳам бўлиши мумкин. Миллий нафакат муайян этник бирлик, балки «давлат» маъносини ҳам ифодалаш учун хизмат қилади. Масалан, «Миллий даромад», «Миллий қуроли кучлар» бирикмаларида у «давлат» сўзининг маънодоши маъносида ишлатилмоқда. Миллат ҳудудий, иқтисодий, сиёсий ва этник алоқалар (маданият, тил, ўз-ўзини англаш) умумийлиги замирида юзага келадиган этносоциал бирликдир. Шунинг учун ҳам миллий мафкуранинг таърифида ана шу хусусият ўз иродасини топган. Миллий мафкуранинг бундай хусусияти Президент И. Каримов асарларида билдирилган фикрларда бевосита ўз ифодасини топган. Юртбошимизнинг мафкуравий таҳдидлар юзасидан билдирган мулоҳазаларини таҳлил қилиш асосида ҳам шундай хулосага келиш мумкин. Зеро, мусулмон халифалигини, ёки янги бир қурилишдаги собиқ иттифоқни тиклаш, тарихимизни сохталаштириш, турли гайриилмий талқинлар ёрдамида Алоҳида ўзбек миллати йук деган қарашни сингдиришга ҳаракат қилаётган мафкуралар айнан бизнинг миллат сифатида мавжудлигимиз, ривожланишимиз, жаҳон халқлари уртасида ўзимизнинг муносиб урнимизга эга бўлишимизга қарши қаратилгандир. «Лекин, биз ўзимизни ҳамаша мустақил миллат-ўзбек халқи сифатида ҳис этиб келганмиз ва бу билан фахрланамиз. Бунга тарихий, илмий маданий асосларимиз бор»,² деб ёзади И. А. Каримов.

Таъкидотлар шуни қурсатмоқдаки, ушбу мавзунинг долзарблигини қуйи-дагилар асосида намоён қилиш мумкин:

²Каримов И. А. Ўз келажакимизни ўз қулимиз билан қурсатамиз.-Т.: «Ўзбекистон», 1999, 15-б.

Биринчидан, ҳар қандай халқ, миллат, давлатнинг, жамиятнинг маълум мафкураси мавжуд бўлади. Табиийки, уларсиз миллатни халқни, жамиятни, давлатни тасаввур қилиш мумкин эмас.

Иккинчидан, мафкуралар ҳам ўзига хос хусусиятларига кура маълум ти-зим, турларга бўлинади. Твбий уларнинг келиб чиқиши, шаклланиши, ри-вожлана бошлаши маълум ҳудуд, маълум халқ ҳаёти, онги, турмуш тарзи, ёки маълум гуруҳнинг манфаатлари билан боғланган бўлади;

Учинчидан, миллий мафкуралар тадқиқотининг долзарблиги яна шундай ҳам келиб чиқадики, миллий мафкуралар шакл ва қуринишларига кура жуда хилма-хил ва ранг-барангдир;

Туртинчидан, мавзунинг долзарблиги яна шундаки, мафкуралар каби миллий мафкуралар ҳам котиб қолган таълимот эмас, улар ҳам ўзгаради, ривож-ланади, давр талабига қараб долзарблашади ёки инкирозга учрайди. Унинг мақсад ва вазифалари давр, замон, таракқиётга қараб ўзгариши, такомиллаши мумкин. Шунинг учун, оддий миллий мафқуранинг мазмун-моҳиятинигина эмас, унинг методологик муаммоларини ҳам тадқиқ қилиш зарурдир.

Бешинчидан, миллий мафқуранинг методологик Чунки инсон мақсад-муддаолари, орзу-умидлари, манфаатлари, интилиш, ҳаракатлари маълум мафкурада акс этади.

Иккинчидан, ғоя мафкуралар ўз тури, типига масалалари сафига, бу масалада тарихий хотира, маънавий-тарихий мерос, миллий мафқуранинг миллий ва умуминсоний тамойилларини тадқиқ этиш ҳам долзарб муаммолар сафига қиради.

Битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифалари:

Биринчидан, инсон, жамият, халқ, миллат ҳеч қачон, ҳеч қаерда мафкурасиз бўлаолмайди. Инсон эътиқод қиладиган, ишонадиган, дунёқарашига айлантираоладиган мафкурага эҳтиёж сезади. Чунки инсон

мақсад-муддаолари, орзу-умидлари, манфаатлари, интилиш, ҳаракатлари маълум мафкурада акс этади:

Иккинчидан, ғоя мафкуралар ўз тури, типига кура бунёдкор мафкураларга, вайронкор мафкураларга бўлинади. Битирув малакавий ишимизда уларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириб беришни ўзимизга мақсад қилиб олганмиз;

Учинчидан, ғоя мафкуралар, илмий мафкуралар ўз моҳияти, шакли мақсад-муддаолари жиҳатидан хилма-хил эканлигига эътиборимизни қаратмоқчимиз;

Туртинчидан, миллий ғоя ва унинг тамойиллари масаласига эътибор бермоқчимиз;

Бешинчидан, миллий ғоя, маданият, маърифат, маънавият соҳасида маънавий-тарихий мероснинг урни каттадир;

Олтинчидан, ҳар қандай мафкура, хусусан миллий мафкура ўзига ҳос тамойилларга эга. Миллий мафкурада эса миллий ва умуминсоний тамойиллар устиворлиги масаласини таҳлил қилмоқдамиз;

Юқоридаги мақсадларимиздан битирув малакавий ишимизда қуйидаги вазифаларни баён этишни ўзимизга вазифа қилиб олганмиз;

1. Миллий ғоя. Мафкура тушунчаларининг маъно-мазмунини баён этишни;
2. Ғоя ва мафкуранинг бунёдкор ва вайронлар турларининг мазмунини очиш;
3. Ғоя ва мафкураларнинг шакллари, қурилишларининг маъно-мазмунини баён этиш;
4. Миллий ғоя ва мафкуранинг тамойиллари масаласини баён этиш;
5. Миллий ғоя ва маънавий-тарихий мероснинг ўзаро алоқасини тасвирлаб бериш;
6. Миллий ғоянинг миллий ва умуминсоний тамойилларини ёритиб беришни ўзимизга вазифа қилиб олганмиз.

Илмий янгиликлар ва эришилган натижалар: Битирув малакавий ишида амалга оширилган янгиликлар шундан иборатки, биринчидан, миллий мафкуранинг мазмуни, ва қурилишлари адабиёт-лар орқали таҳлил қилинади; Иккинчидан, миллий ғоянинг методологик муаммолари, хусусан, миллий ғоянинг тарихий хотира маънавий-тарихий мерос, миллий ва умуминсоний тамойиллар билан алоқаси, ўзаро муносабатлари ёритилган.

Эришилган натижалари: аҳоли, ёшлар онги ва қалбига миллий ғояни сингдиришда муҳим аҳамиятга эга.

Ишнинг Амалий аҳамияти: Битирув малакавий ишида баён этилган ғоялар, хулоса ва тавсиялар асосида ёшлар ўртасида маънавий-маърифий тадбирларни қучайтиришга, ёшларда ғоявий тарбия беришда, ғоявий эътиқодни шакллантиришга ёрдам беради.

Битирув малакавий ишининг методологик асосларини И. А. Каримовнинг асарлари, маърузалари, нутқлари, интервьюлари, республикаимизнинг мафкурашунос, ғояшунос олимларининг асарлари ҳисобланади.

Ишнинг методлари; Битирув малакавий ишини баён этишда умумфалсафий методлардан қўзатиш, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, тарихийлик ва мантикийлик, абстрактлик ва конкретлик, аналогия методларидан фойдаланилди.

Тадқиқот объекти ва предмети: Битирув малакавий ишининг тадқиқот объекти мафкура, миллий маф-қуранинг турлари, типлари, шакл ва қурилишлари, миллий ғоянинг методологик муаммолари ҳисобланади:

Унинг предмети мафкура, миллий мафкуранинг типлари, ва қурилишлари, миллий ғоянинг методологик муаммоларининг мазмун-моҳиятини қуриб чиқиш ташкил қилади.

Ишнинг ҳажми; Битирув малакавий иши кириш икки боб, олти параграф, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, унинг умумий ҳажми 75 бетдан иборат.

Адабиётлар таҳлили

«Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси» (-Т.: 2008.)да конституциянинг тамойиллар, инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари, мамла-катимизнинг маъмурий ҳудудий тўзилиши кабилар кайт килинган (1).

И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараккиёт йули» (-Т.: 1992.) асарида мустакил Ўзбекистоннинг тараккиёт йули белгилаб берилган (2).

И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон XX1 аср бусагасида: хавсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари» (-Т.: 1997) асарида мамлакатимиз тинчлиги ва осойишталигига таҳдид йуллари баён этилган (3).

И. А. Каримовнинг «Жамиятимиз мафқураси халкни-халк, миллатни-миллат килишига хизмат этсин» (-Т.: 1998) асарида мафқурамизни зарурияти, аҳамияти таҳлил килинган (4).

И. А. Каримовнинг «Тарихий хотирасиз келажак йук» (-Т.: 1998) асарида тарихнинг холисона яратилиши, тарихий хотиранинг аҳамияти курсатиб утилган (5).

И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон XX1 аср сари интилмокда» (-Т.: 1999) асарида республикаимиз таракқиётнинг асосий йуналишлари кайд килинган (6).

И. А. Каримовнинг «Биз келажакимизни ўз кулимиз билан курамиз» (-Т.: 1999) асарида Ўзбекистоннинг ўзига хос, ўзига мос тараккиёт йули таҳлил килинган (7).

И. А. Каримовнинг «Миллий истиқлол мафқураси халк эътикоди ва буюк келажакка ишончдир» (-Т.: 2000) асарида миллий мафқурани шақллантириш, уни амалга ошириш масалалари баён этилган(8).

И. А. Каримовнинг «Юксак маънавият-енгилмас куч» (-Т.: 2008) асарида маънавиятнинг шақлланиши ва инсон ҳаётидаги аҳамияти курсатилган(9).

Д. Алимованинг «Инсоният тарихи-ғоя ва мафкуралар тарихидир» (-Т.:2002) асарида мафкура, ғояларнинг шаклланиши, ривожланиши тахлил килинган(10).

А. Бегматов, Р. Рустамованинг «Миллий ғоя тарғиботи ва маданий-маърифий тадбирлар» (-Т.: 2008) рисоласида миллий ғоя тарғиботи тахлил килинган (11).

Х. Бобоев, З. Гофуров, З. Исломовнинг «Миллий истиқлол мафкураси ва тараккиёт» (-Т.: 2001) асарларида миллий мафкурамиз тахлил килинган (12).

Х. Бобоев, З. Гофуровнинг «Ўзбекистонда сиёсий ва маънавий-маърифий таълимотлар тараккиёти»(-Т.: 2001) асарида халқимизнинг шу соҳадаги ютуқлари баён этилган (13).

«Ватан юракдаги жавохир» (-Т.:2001) тупламида миллий каҳрамонларимиз хақида хикоя килинади(14).

А.Жалоловнинг «Ўзбекистон: мустиқиллик, маънавият, мафкура» (-Т.:1994) асарида мафкуранинг мустиқиллик давридаги аҳамияти хақида фикр юритилади(15).

Н. Жураевнинг «Ғоявий иммунитет...» (-Т.: 2001) рисоласида иммунитетнинг аҳамияти тахлил килинган(16).

Н. Жураевнинг «Янгилашишлар концепцияси» (-Т.:2002) рисоласида мустиқиллик даврида шаклланган концепциялар хақида фикр юритилади(17).

Н. Жураевнинг «Тарих фалсафасининг назарий асослари» (-Т.: 2008) асарида бу фаннинг предмети, мақсад, вазифалари, аҳамияти тахлил килинган (18).

А. Иброҳимовнинг «Бизким, ўзбеклар...» (-Т.:1999) китобида халқимиз тарихининг ўзок, яқин утмиши тахлил килинган (19).

М. Имомназаров, У. Саидовнинг «Миллий тараккиётнинг маънавий-ахлоқий асослари» (-Т.:2005) рисоласида маънавий-ахлоқий масалалар тахлил килинган (20).

Б. Исоковнинг «Зиёлилик масъулияти» (-Т.: 2008) рисоласида замонавий одамнинг маънавий кифолати баён этилган (21).

«Маънавий юксалиш йўлида» (-Т.: 2008) тупламида Президентимизни «Юксак маънавият-енгилмас куч» асари таҳлил килинган (22).

«Миллий истиқлол ғоясини шакллантиришда ташкилий-услубий ёндошувлар» (-Т.: 2002) китобида миллий ғояни шакллантириш ҳақида фикрлар мавжуд (23).

«Миллий ғоя ва раҳбар маънавияти» (-Т.:2007) китобида миллий ғоя, унинг урни, аҳамияти, ёт, зарарли ғоялар ҳақида фикр юритилади (24).

К. Назаровнинг «Миллий истиқлол ғоясининг асосий мақсад ва вазифалари» (-Т.:2002) рисоласида миллий ғоянинг мақсад, вазифалари берилган (25).

У. Саидовнинг «Миллий ғоя ва маънавий тараккиёт тамойиллари» (-Т.: 2005) рисоласида миллий ғоянинг тамойиллари ҳақида фикр юритилади (26).

Ж. Туленов, К. Юсупов, З. Гофуровларнинг «Истиқлол ва тараккиёт мафкураси: максат ва йўналишлари» (-Т.:1993) рисоласида миллий мафкура ҳақида фикрлар юритилган (27).

Ш. Тураевнинг «Демократик жараёнлар ва миллий ғоя» (-Т.:2008) рисоласида миллий ғоянинг ислохотлар билан алоқаси берилган (28).

Б. Умаровнинг «Глобаллашув зиддиятлари» (-Т.:2008) асарида бу даврдаги зиддиятларнинг хилма-хиллиги таҳлил килинган (29).

А. Чориев, А. Мансуровнинг «Ғоя, тарих ва миллий тафаккур» (-Т.:2002) рисоласида ғоя, эътиқоднинг аҳамияти тугрисида фикр билдирилган (30).

III. Асосий қисм:

I-БОБ. Миллий ғоя, миллий мафкура тушунчаларининг мазмун-моҳияти.

1.1 Миллий ғоя тушунчасининг мазмун-моҳияти

Инсон ва жамият ҳаётида муҳим ўзгаришларни амалга оширилишида муайян ғоялар Алоҳида урин тутади. Жамият тараққиётинг маълум даврларда тезлашуви ёки секинлашуви, жамият ҳаётида ижобий ёки салбий ҳолатларни руй бериши жамиятда қандай ғоялар ҳукмронлик қилиши, улар қандай кучларни ҳаракатга келтириши, кимларнинг, яъни қайси бир ижтимоий катламларнинг манфаатларига хизмат қилишига куп жихатдан боғлиқдир.

Маълумки инсон ўзининг оргии, ақл-заковати, иймон-эътиқоди ва ижодий меҳнати Билан бошқа барча тирик жонзотлардан фарқ қилади.

Инсон тафаккури воқеликни идрок этиш мобайнида турли фикрлар, қарашлар, ғоялар ва таълимотлар яратади. Демак, биринчидан, ғоя инсон тафаккурининг маҳсулидир.

Иккинчидан, ғоя олдин мавжуд бўлмаган, ўзида янгиликни ташувчи фикрдир.

Учинчидан, олдин ғоя пайдо бўлади, ундан кейин ғоя асосида мафкура, мафкура асосида эса тизим, сиёсат пайдо бўлади.

Ғоялар соғлом ва носоғлом, эзгу ва ёвўз, бунёдкор ёки бўзгунчи қуринишларга эга бўлиши мумкин.

Ҳарқандай ғоя ижтимоий ҳаракатга эга. Муайян ғоялар, одатда, Алоҳида олинган шахс онгида шаклланади. Маълум бир муддатдан кейин эса жамиятнинг турли катламларига тарқалади, турли элатлар ва миллатлар орасига тарқалади. Мустақил ҳаётга қадам қўётган янги авлод жамиятда мавжуд ғоялар таъсирида тарбияланади. Муайян қарашлар ва ғояларни ўз эътиқодига сингдиради, ўз навбатида янги ғояларни яратади ва тарғиб қилади. Ғоянинг энг муҳим хусусияти-инсонни ва жамиятни мақсад сари

етақлайдиган, уларни ҳаракатга келтирадиган сафарбар этадиган куч эканидадир.

Ғоя инсон тафаккурининг маҳсули сифатида ғоя миллий-маънавий меросни, умуминсоний кадриятларни, ижтимоий-маънавий ҳаётни, теварак оламни урганиш, билиш жараёнида вужудга келади. Ижтимоий онгнинг барча шакллари илм-фан, фалсафа, дин, санъат ва бадий адабиёт, ахлоқ, сиёсат ва ҳуқуқ-муайян бир ғояларни яратади, уларга таянади ва уларни ривожлантиради. Мазмуни ва намоён булиш шаклига қараб, ғояларни бир канча турларга ажратиш мумкин:

1. Илмий ғоялар. 2. Фалсафий ғоялар. 3. Диний ғоялар. 4. Бадий ғоялар. 5. Ижтимоий-сиёсий ғоялар. Шундан ғоялардан бири-миллий ғоядир.

Миллий ғоя деб миллатнинг утмиши, бугуни ва истиқлолини ўзида мужассамлаштирган, унинг тур манфаатлари ва мақсадларини ифодалаб, тараккиётга хизмат қиладиган ижтимоий ғоялардан бирининг шаклига айтилади.

Миллий ғоя ўз моҳиятига қара, халқ миллат тақдирига дахлдор бўлган, қисқа ёки ўзок муддатда халқ этилиши керак бўлган вазифалар ва мулжалларни ҳам ақс эттиради.

Ўз даврида (1941-1945йилларда) фашистлар босиб олган Францияда «қаршилик кўрсатиш ғоясининг миллий ғоя даражасига кутарилгани ва Франциянинг озод этилиши билан ўз аҳамиятини йукотгани фикримизга далил булла олади.

У ёки бу ғоянинг миллий ғоя сифатида майдонга чиқиши миллатнинг утмиши, мавжуд ҳолати билан бевосита боғлиқдир. Зеро, анна шк икки негизга таянган ҳолдагина у миллатнинг қисқа ёки ўзок вақтда эришиши лозим бўлган мақсад муддаолари ва мулжалларини тугри ифодалай олиши мумкин.

Том маънодаги миллий ғоя охир-оқибатда, озми купми инсоният тақдирига таъсир қиладир. Шу маънода, ҳар қандай миллий ғояда

умуминсоний махият мавжуд булади. Аммо, аник бир миллат ёки умуман, инсоният учун аҳамиятли булган ғоялар ҳам бор. Айтайлик, «Миллий яраш» ғояси фукаролар уруши кетаётган давлат учун хаётий мазмунга эга булса, «Манфаатли ҳамкорлик» ғояси дунёнинг барча мамлакатлари учун бирдек аҳамиятлидир.

Хаар бир халк ўз тарихининг бурилиш нукталарида, аввало мафкура масаласини, унинг ўзагини ташкил этадиган, ўзига хос УК, бирлаштирувчи ядро вазифасини утайдиган ижтимоий ғояни шакллантириш муаммосини хал қилади.

Маълумки миллатни орзу-умидлар, мақсад-муддаолари, манфаат ва интилишларини акс эттирган фикр миллий ғоя деб аталади.

И. А. Каримов «Миллий мустакил давлат бор экан, унинг мустакиллиги ва эркинлигига, анъана ва урф-одатларига таҳдид соладиган, уни ўз таъсирига олиш, унинг устидан ҳукмронлик қилиш, унинг бойликларидан ўз манфаати йўлида фойдаланишга қаратилган интилиш ва ҳаракатлар доимий хабар сифатида сақланиб қолиши муқаррар» деб миллий ғоя, миллий истиқлол ғоясининг зарурлигини қайд қилиб ўтган эди.

Демак, миллий ғоянинг зарурлиги, энг аввало, мамлакатимиз мустакиллигини мустаҳкамлаш учун зарурдир. Унинг зарурияти қуйидаги мақсадларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда намоён булади.

1. Олдимизга қуйган олижаноб мақсад-муддаоларимизга, яъни озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш учун;

2. Эски мафкуравий асоратлардан батамом халос бўлиш учун;

3. Мамлакатимизда ғоявий бушликка, унинг содир бўлишига йул қуймаслик Каримов И. А. Сўз боши 11 Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. –Т.: «Ўзбекистон», 2000, 3-бет учун;

4. Ўзок даврлар мобайнида одамлар онгида ҳукмрон булган бегона, ёт ғояларнинг янада қайтадан тикланишига йул қуймаслик учун;

5. Халкимиз табиатига зид булган ўзга ғоялардан, айникса, ёш авлодни химоя килиш учун;

6. Хар қандай тажавўзкор ғояларга қарши тура оладиган, хар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш заруриятининг мустакилликни мустахкамлашдаги урнини англаш оркали харакат дастурига эга булиш учун;

7. Мустакил давлатимизнинг хар бир фукаросига Ватан тақдири учун масъуллик туйғуси булиши учун ҳам зарур.

Мустакилликни мустахкамлашда миллий ғоядан кўзланган мақсадларнинг кенг камровли илмий-назарий ва Амалий йуналишлари Президент И. А. Каримовнинг асарларида, нутк ва маърузаларида ўзининг аник концептуал ифодасини топган.

Айни пайтда шу нарсани очик кайд килиш зарурки, мамлакатимиз учун миллий ғоя хакидаги масаланинг бугунги амалий аҳамияти шундаки, биз бозор иктисодиётига асосланган жамиятга утиш даврини бошдан кечирмокдамиз.

Айнан шундай пайтда аҳолининг турли катламлари манфаатларини химоя килувчи мафкураларнинг шаклланишига шароит тугилиши мумкин. Шундай экан, миллий, жамиятни пароканда бўлиб кетишига йул куйиб булмайди. Акс холда, сиёсий, ҳукукий, иктисодий ислохатлар ўз аҳамиятини йукотади, мустакиллик йўлида гов пайдо булади. Баъзи собик иттифок республикалари урнида пайдо булган давлатларда жамиятни бир-бирига карама-қарши турувчи кучларга булиниб кетганлиги (жумладан Украина, Грўзия, Киргизистонда) ёки айрим кушни мамлакатларда маҳаллийчилик заминида жамиятни бўлиб юборишга уринишлар ҳам катта сабок бўлмоғи лозим. Манна шу холатни умумлаштириб И. А. Каримов шундай деган эди: «Ишончим комилки, бундай (ташки-) таъсир мамлакатнинг ички хаётида-ижтимоий, иктисодий ва сиёсий жабҳаларда ўз ечимини топмаган масалалар йигилиб, жамиятда юзага келиши мумкин. Табийки, хар қандай жамиятда ҳам қандайдир норозилик мавжуд булади, аммо мен норозилик кайфиятлари

авж нуктасига чиккан, «буг козонни ёриб юборишига келиб колган» вазиятни назарда тутаяпман. Токи жамиятнинг ўзи кескин ўзгаришларга тайёр булмаса, агар одамларнинг сабр косаси тулмаса, ҳеч қандай Америка, ҳеч қандай Европа воқеаларни ўзи хоҳлаган ўзанга буриб юборишга кодир эмас.

Шу сабли мен Ўзбекистонда Украина ёки Грўзия сценарийси такрорланиши мумкин, деб уйламайман.

Чунки мустикаллик йилларида жамиятимиз аъзоларининг дунёкараши, фикрлаш тарзида теран ўзгаришлар юз берди, юз бермокда. Анна шундай шароитда халкимизни бирлаштирадиган, бунёдкорлик фаолиятига сафарбар этадиган, унинг эзгу-мақсадлари ва ҳаётий манфаатларини ўзида мужассам этадиган миллий ғоя ва мафкурани яратиш ижтимоий-сиёсий ва маънавий тараккиётимизнинг муҳим шарти ҳамда заруратига айланди.

Мустикалликни мустаҳкамлашда миллий ғоянинг зарурлиги ва унинг аҳамияти ҳам ички, ҳам ташки сиёсатимиз истикболлари, самарадорлиги билан боглик. Шу нуктаи назардан миллий ғоянинг зарурлиги жамиятимизни тараккий топган демократик мамлакатлардаги каби эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиши Билан ҳам боглик. Демак, миллий ғоянинг негизидаги муҳим устивор мақсад-мустикалликни бундан буён ҳам асраб-авайлаш, химоя килиш ва мустаҳкамлаш бўлиб колаверар экан, унинг зарурлиги ҳеч бир даврда ўз аҳамиятини йукотмайди.

1. Каримов. И. А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб хисоблашар эди. –Т.: «Ўзбекистон» 2005, 6-7-бетлар.

Мустикалликни асраб-авайлаш, химоя килишда миллий ғоянинг урнини бошка бирон бир омил босолмайди. Шу нуктаи назардан давлат сиёсатининг устивор йуналишлари, мақсад ва вазифаларини маънавий жихатдан таъминлаш, бугунги кунда мамлакатимиз такдири учу нута долзарб масаладир. Бунинг Еркин ифодаси И. А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ун туртинчи сессияси (2004 йил 29-апрель)даги «Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-кудратимизга,

халкимизнинг ҳамжихатлиги ва букулмас иродасинга боғлиқ»лиги ҳақидаги нутқида ҳам Олий Мажлиснинг мамлакатимиз фуқароларига мурожаатномасида баён этди. Хусусан, унда шундай дейилган: «Бутун башариат ўзига хос ва зиддиятли бир даврда яшамокда. Бир томондан илм-фан ва техника, юксак технологиялар тараккий этиб, инсонпарварлик ғоялари, демократик кадриятлар, ўзаро ҳамкорлик дуне буйлаб қарор топиб бормокда. Айни вақтда, ер юзининг турли минтакаларида қуролли можаролар руй бераётган, халқаро терроризмнинг янги-янги хуружлари оқибатида минг-минглаб одамларнинг ҳаётдан кўз юмаётгани ҳам шу замоннинг очик ҳақиқатидир» (Каримов И. Ватанимизнинг тинчлиги ва ҳавфсизлиги ўз қуч-қудратимизга, халкимизнинг ҳамжихатлиги ва буқилмас иродасига боғлиқ. –Т.: «Халқ сўзи» 2004 йил 30-апрелъ.

1.2. Миллий мафкура тушунчасининг мазмун-моҳияти.

Мафкура тушунчасининг лугавий мазмуни икки манбага бориб такалади. Тадкикотларда кайд килинишича мафкура юнонча-Idia-идея, ғоя, образ ва Logos-фикр, таълимот деган маънони ҳамда арабча «муфаккир», «муфаккиратун» сўзларидан олинган бўлиб-чукур маъноли теран мазмунли фикр деган маънони англатади.

Мафкура тушунчасига файласуф олимлар турли таърифлар берган бўлиб, уларнинг шакли ва мазмуни хилма-хилдир. Ж. Туленов, К. Юсупов, З. Гофуровларнинг кайд килишларича: «Мафкура... кенг маънода... муайян бир жамиятдаги мавжуд булган хар бир социал гуруҳ, миллат ва элат, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари манфаатини ифодаловчи ва уларга хос булган ғоялар тизимини ташкил этади ва ўзининг ранг-баранглиги билан ифодаланади. Тор маънода мафкура жамиятимизда истикомат килувчи барча миллат ва элатларнинг умумий муддаоларини ифодаловчи ва уларнинг бошини бириктириб, жипслаштириб бита асосий мақсадга, янги республикамиз мустакиллигини мустахкамлашга ундайдиган миллий истиқлол хақидаги ғоялар, билимлар йигиндисини ташкил этади».

«Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар (Маъруза матнлари учун материаллар). Муаллифлари: «Мафкура-муайян, ижтимоий гуруҳ ё катламнинг, миллат ёки давлатнинг эҳтиёжларини, мақсад ва интилишларини, ижтимоий-маънавий тамойилларини ифода этадиган ғоялар, уларни амалга ошириш усул ва воситалари тизимидир»³, деб тарифлайдилар.

«Фалсафа. Комусий лугат» муаллифлари эса мафкурага куйидагича таъриф берганлар: «Мафкура-(арабча-фикрлар мажмуи)-муайян ижтимоий гуруҳ, катлам, миллат, жамият, давлат манфаатлари, орзу-истак ва мақсад-

³Ж. Туленов, К. Юсупов, З. Гофуров, Истиқлол ва тараккиёт мафкураси: мақсад ва йуналишлари. –Т.: «Ўзбекистон», 1993-йил, 13-бет.

муддаолари ифодаланган ғоявий-назарий карашлар ва уларни амалга ошириш тизими»⁴, деб ёзади.

«Миллий истиклол ғояси» дарслиги муаллифлари эса: «Мафкура-муайян ижтимоий гуруҳ ё катламнинг, миллат ёки давлатнинг, жамиятнинг эҳтиёжларини, мақсад ва интилишларини, ижтимоий-маънавий ривожланиш принципларини ифода этадиган ғоялар, уларнинг амалга ошириш усул ва воситалари тизимидир»⁵, деб кайд қилади.

И. А. Каримов ўзининг «Фидокор» газетаси мухбири саволларига берган жавобида мафкура хақида шундай дейди: «...мафкура жамиятда яшайдиган одамларнинг ҳаёт мазмунини, уларнинг интилишларини ўзида мужассамлаштиради. Ҳар қандай инсон, табиийки, мурод-мақсадсиз яшай олмайди. Бинобарин, токи ҳаёт мавжуд экан, мамлакатлар, давлатлар ва уларнинг манфаатлари бор экан, улар ўз тараққиёт йулини, эртанги кун уфкларини ўзининг миллий ғояси, миллий мафкураси орқали белгилаб олишга интилади.

Менинг фикримча, -деган эди. И. А. Каримов, мафкуранинг ҳаётийлиги, унинг халқ табиатига, турмуш ва тафаккур тарзига нечоғли мос бўлиши, энг муҳими, жамиятнинг миллий манфаатларининг, орзу-интилишларини қай даражада акс эттириши билан улчанади. Фақат шундай мафкурагина ҳаёт ва давр синовларига бардош беради, одамлар унга ишониб, ўзининг иймон-эътиқоди сифатида қабул қилади. Шундагина у энг замонавий қуроладан ҳам қура рухий-маънавий қудрат қасб этади»⁶.

Хулоса, мафкура жамиятнинг муайян сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, фалсафий, бадиий, илмий, экологик, демографик, иқтисодий қарашлари, фикрлари, ғояларининг йигиндисидан иборат.

⁴Миллий истиклол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. (Маъруза матнлари учун материаллар). –Т.:«Янги аср авлоди»,2001-йил, 10-11-бет.

⁵Фалсафа. Қомусий лугат. –Т.:«Шарқ», 2004-йил, 244-бет.

⁶Миллий истиклол ғояси. (Дарслик). –Т.: «Академия», 2005-йил, 35-бет.

Мафкура ижтимоий борликнинг, кенг маънода жамият ҳаётининг маънавий-сиёсий инъикосидир, унинг инсон онгига акс этиши, инсон томонидан англаниб, бир бутун тизим холига кантирилиши ва бу тизимнинг Амалий фаолиятда назарий асос ҳамда рухий таянч бўлиб хихмат қилишидан иборат.

Мафкура (идеология) атамасини францўз файласуфи ва иктисодчиси А. Л. К. Дестют де Трасси («Идеология унсурлари» асарида, 1801-йил биринчи бўлиб илмий муомилача қиритган бўлиб, мафкура сиёсий, ахлоқ ва бошқаларни катъи асосини белгилаш учунғоялар ҳақидаги таълимотни тушунган.

Шунингдек Пвер Жан Жорж Кабонис (1757-1808) «Инсоннинг жисмоний ва ахлокий табиати уртасидаги муносабатлар» (1802, файласуф, врач) номли асарида, Константин Франсуа Вольней (1752-1802), (францўз маърифатчиси)нинг «Ахлоқнинг жисмоний принциплари» асарида мафкура ҳақидаги таълимот илгари сурилган. Францияда Наполеон ҳукмронлик қилган йилларда идеологлар, мафкурачилар деб жамиятнинг ҳаёти ва мавжуд сиёсатдан амалий ажралиб қолган қарашларни тарғиб қилувчиларни аташган.

Кейинроқ эса коммунистик мафкура ҳақидаги таълимотни илгари сурдилар ва бу мафкура буржуа мафкурасига қарши қаратилди. XX-асрнинг 90-йилларига келиб, бу мафкура инкирозга юз тутди.

Ғоялар қаби мафкуралар ҳам бунёдкор ва бўзгунчи, вайронкор характерга эга бўлади. Ёвўз ғоя ва мафкураларнинг энг қуп тарқалган шаклларида бири оқидапарастликдир. Бундай мафкуралар маълум даврларда Ғарбда ҳам Шарқда ҳам ҳукмронлик қилган даврлар бўлган. Бундай ижтимоий иллат инсоният XXI асрга қадам қуйган ҳозирги даврда ҳам дунёдаги тинчлик, осойишталик, тараккиётга таҳдид солмокда. Ақидапарастлик қаерда, қачон илгари сурилганига қарамасдан ҳамиша жамиятга хатарли ходиса бўлган.

Ғарбий Европада урта асрларда акида-парастлик мафкураси инквизиция (лотинча-текширув, кидирув деган маънони англатади) католик черковининг мутлок хукмронлигини урнатиб, ҳар қандай хурфикрлилик ривожига, ижтимоий тараккиётга тусик булди. Н. Коперник, Г. Галилей каби юзлаб буюк ақл-заковат соҳиблари манна шундай акидапарастлик таъкибларига учраганлар. Испан Мигель Сервет 1553йил 27-октябрда, Джордано Бруно (итальян) 1600-йил 17-февралда ўз илмий еарашлариучун оловда ёкилди. Итилъян Лючилио Ваниниэса 2619-йил 9-февралда дорга осилган.

Шарқда эса Имон Бухорий, Ибн Сино сингари буюк алломалар ҳам турли тазйикларга дучор булганлар. Сайид Имодаддин Насимий 1417-йилда тириклайин териси шилиниб катл этилган. Бобораҳим Машраб эса 1711-йилда Балх ҳокими Маҳмуд Котогон амри билан дорга осилган.

Дунёда тараккиётга интилиш, бунёдкорлик ҳисси бор экан, жамиятда илгор ғоялар пайдо булаверади. Бўзгунчи ғоялар эса вайронкор интилишлар туфайли пайдо булаверади.

Ўзбекистон 1991-йилда Мустакилликка эришганидан кейин ижтимоий тараккиётнинг янги боскичи, бозор иқтисодиёти муносабатлари сари ривожлана бошлади. Бу жараёнда иқтисодий, ижтимоий, маданий, илмий, сиёсий вазифаларни ҳал қилиш, ислохотларни амалга ошириш, миллий истиқлол ғояси, миллий истиқлол мафкурасини ишлаб чиқиш заруриятини келтириб чикарди. Шунини очик айтиш зарурки собик шуро тўзуми таркибида бу масалага эътибор, миллий ғоя, миллий мафкура тугрисида фикр юритиш мутлақо мумкин эмас эди. Иттифок мафкураси яққа ҳокимчиликка асосланган бўлиб, миллий мафкурага, миллий ғояга урин қолдирмас, байналминалликка ургу берилар эди.

Ўзбекистон халқи, ўзбек халқи манфаати, орзу-интилишлари собик шуро мафкурасини қизиктирмас, бунга хизмат қилмас ҳам эди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов ўзининг куплаб асарлари, хусусан, «Ўзбекистон XXI аср бусагасида: хавфсизликка таҳдид, баркарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари», «Тарихий хотирасиз келажак йук», «Жамиятимиз мафкурпси халкни-халк, миллатни-миллат килишга хизмат этсин», «Ўзбекистон XXI асрга интиломда», «Орзу ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз», «Миллий истиқлол мафкуриси-халк эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир», «Юксак маънавият енгилмас куч» ва бошқа асарларида, маъруза ва нуткларида миллий истиқлол мафкуриси таълимотини ишлаб чиқди. Бу мафкура эса янги жамиятни қуришни ўзининг асосий вазифаси деб қарайди.

Одатда ҳар бир давлат, жамият ўзи бошқараётган тарихий вазифани асословчи ва барча ижтимоий гуруҳ ва қатламлар, элатлар ва миллатлар, диний эътиқодлар вакиллари шу вазифа атрофида бирлаштирувчи, жипислаштирувчи умумхалқ мафкурасига эга. Шу билан бир қаторда умумдавлат мафкуриси талаблари ва қоидалари доирасида жамиятдаги, мамлакатдаги ижтимоий гуруҳлар, қатламлар, табақалар, миллатлар, турли динлар ахиллари ўз мафкураларини ишлаб чиқишлари мумкин ва зарур. Чунки бундай иш умумдавлат, умуммиллий мафкурани янада аниқлашга хизмат қилади, унинг ҳар бир фуқарога етиб боришини таъмин этади.

Шунга қура мафкура муайян ижтимоий гуруҳ, ижтимоий қатлам, миллий, давлат, халқ ва жамиятнинг эҳтиёжлари, мақсад-муддаолари, манфаатлари, орзу интилишлари ҳамда уларни амалга ошириш усуллариини ўзида мужассам этадиган ғоялар тизимидир.

Миллий мафкура эса мафкуранинг қуралишларидан бири бўлиб, у ҳар бир халқнинг ўзига хос хусусиятларини акс эттиради. Мафкура ўз моҳияти ва вазифасига қура хилма-хилдир. Дунёдаги жамиятлар, халқлар, миллатлар, ижтимоий гуруҳ ва қатлам, тоифалар бир-бирига айнан ухшаш бўлмаганидек, уларнинг мақсад ва манфаатларини ўзида назарий ифодаладиган мафкураларнинг хилма-хил бўлиши табиий бир ҳолдир.

Дунёда мавжуд булган хилма-хил мафкуралардан бири-бу бизнинг миллий мафкурамиздир.

Миллий мафкура деб маълум миллат, элат, халк манфаатларига хизмат қиладиган, унинг орзу-умидлари, мақсад-муддаолари, интилиш, ният, мақсадлари акс эттирадиган фикрлар, ғоялар йигиндисига айтилади.

Ўзбекистон миллий мафкураси инсоният тарихидаги энг ажойиб ғояларга, яъни, инсонпарварлик, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, ижтимоий адолат, тенглик, ҳамжихатлик, ўзаро тотувлик, инноклик, дустлик, биродарлик ҳақидаги ғоя ва таълимотларга асосланганлиги билан эътиборга сазовордир. «Мустакиллик мафкураси-жамият аъзоларининг ижтимоий гуруҳлари, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, миллатлар ва элатлар, оммавий ҳаракатлар, диний уюшмалар, ёшлар, хотин-қизлар, фахрийлар, тадбиркорлар ва бошқа ижтимоий субъектларнинг умумий манфаат ва муддаоларини ўзида акс эттирувчи ва мужассамлаштирувчи, унинг хатти-ҳаракатларини, фаолиятини, фикр-зикрини ягона бир мақсадга-мустакилликка эришиш ҳамда уни мустаҳкамлашга йуналтирувчи ғоялар ва билимлар мажмуидар.

Мустакиллик мафкураси мустакилликка эришиш ва уни мустаҳкамлаш орқали жамият ривожланишини тезлаштирадиган муҳим омиллардан биридир»⁷.

Бизнинг мафкурамизни «Миллий истиқлол мафкураси деб аталишида жуда ката маъно ва мазмун бор. Бу, энг аввало, унинг факат ўзбеклар учунгина эмас, балки Ўзбекистандаги барча халқлар ва миллатларнинг умумий мақсад ва манфаатлари йўлида бир хилда, айирмачиликсиз хизмат қилишини билдиради.

Иккинчидан, эса миллий истиқлол мафкураси мустакилликка эришиш, унинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳукукий, маданий-маънавий

⁷Мустакиллик. Изохли илмий-оммабоп лугат. –Т.: «Шарк», 2009-йил, 162-бет.

заминларини мустахкамлаш оркали жамият ривожланишини тезлаштиришни таъминлайдиган омиллардан бўлиб хисобланади.

Миллий истиқлолмафкураси жамият тараққиётинг муҳим омили, халкнинг истиқболини белгилайдиган қарашлар, ғоялар мажмуи сифатида мамлакат фуқароларини ўзга мамлакатларга тобе бўлмай эркин ва озод яшаши, ўзини ўзи идора этишга даъват этадиган ғоялар тизимидир. Миллий мафкура-бу мустакил миллий давлатчилик ва ҳукукий тизим куриш учун амалга оширилаётган ва ўзок муддатга мулжалланган ислохотлар буюк келажагимизга ишонч руҳида сугориладиган тақдириломон ғоялар, ҳаракатлар мажмуидир.

Миллий мафкура жамиятдаги барча кишиларни, жамоки миллат ва элат вакиллари, ижтимоий-сиёсий куч ва гуруҳларни умумхалқ, умуммиллий манфаатлар йўлида бирлаштирувчи омилдир.

Миллий мафкура, миллий истиқлол мафкураси ўзининг бир қанча хусусиятларига эга. Булар асосан қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси-Миллий истиқлол мафкурасини яратилишида асосан Қонунда белгиланган ғоялар, йул-йуриқлар асос қилиб олинган. Шунинг учун ҳам унинг мазмун-моҳияти, тамойиллари, ғоялари, мақсад ва вазифалари Конституцияга ҳамоханг, тула монанд, мос ва мувофиқдир.

Конституция ҳар қандай давлатнинг қиёфаси, юзи, обрӯ-эътибори хисобланиди. «Зотан Конституция давлатни-давлат, миллатни-миллат сифатида дунёга танитатиган Қомусномадир»⁸.

Ўзбекистон Конституцияси ўзининг туб моҳияти, фалсафаси ғояси, тамойиллари, мафкурасига қура янги ҳукукий ҳужжатдир. «Шу билан бирга бу Конституция, умуман мазмунидан тортиб оддий бир бандига қадар. Хожа Аҳмад Яссавий бобомиз даврида, буюк Амир Темури замонида шаклланган миллий тафаккурни, муқаддас исломий қадриятларни ўзида акс эттиради. Шу

⁸Каримов И. А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. – Т.: «Ўзбекистон», 1996-йил, 93-бет.

кухна замин одамлари кунглида устивор булган адолат, хакикат, иймон, олийжаноблик, багрикенглик, мардлик каби улуг хислатлар бу муборак хужжатдан муносиб урин олган»⁹.

Конституциямизда меҳр-окибат, одамийлик ўзга миллат ва элатларга нисбатан хурмат, илмга интилиш, ор-номус, иффат ва ҳаё, ватанпарварлик каби эзгу фазилатлар миллий истиқлол мафкурамизнинг мазмун-моҳиятини, мағиз-мағизига чуқур сингдириб юборилган.

Иккинчидан, Миллий истиқлол мафкурасининг назарий асослари, мазмун-моҳияти, макс а два вазифалари, жамият тараккиётидаги аҳамияти, ўзида нималарни мужассамлаштириши ва қандай саволларга жавоб бериши кераклиги Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларида нутқ ва суҳбат, марўзаларида илмий-назарий асослаб берилган. И. А. Каримовнинг миллий истиқлол мафкурасининг жамият ҳаётидаги роли, миллатни-миллат, юртни-юрт, халкни-халқ қилишдаги моҳияти ва маъноси ҳақидаги таълимоти бугун барчага аён.

И. А. Каримов томонидан маънавият, мафкура ва миллий ғоянинг ўзвий бирлиги, мутаносиблиги ҳақида концептуал ғоя илмий, ижодий кашф этилди. Бу унинг илмий-назарий жасоратидир. Президент таълимотида илмий ифодаланишича, мафкура жамиятнинг мустиқил сиёсий жаҳҳаси сифатида маънавиятга асосланади. Миллий ғоя моҳиятида эса айнан анна шу маънавият ётади. У миллий ғоя учун туб асос. Муштарак ҳолда мафкуранинг моҳиятини белгилайди.

Миллий ғоя истиқлол мафкурасининг туб мундарижаси, миллату юртнинг буюқ мақсадлари сари чорловчи, сафарбар этувчи маёқ, бош стратегиясидир. Миллий ғоя курмокчи булган буюқ давлат, биз орзу қилиб яшамокчи турмуш тарзи аломатларини белгилаб берди. Зотан, миллий ўз стратегик тараккиёт ғояларига, миллий тафаккурига эга булмаса миллий булаолмайди. Аниқ равшан стратегик вазифа булмаса, на бирор халқ, на

⁹Каримов И. А. Уша асар, 93-94-бетлар.

бирор жамият ўз истикболини кура олмайди. Миллий ғоя миллат келажаги, тараккиёти ва истикболини олдиндан куриш ва илмий фахмлашда ката урин тутади.

И. А. Каримовнинг «Туркистон» газетаси мухбирининг саволларига берган жавобларида мустакиллик мафкураси, миллий ғоя масалалари устида тухтаб шундай дейди: «Миллий ғоя хакида жуда куп ва ўзок фикр юритиш мумкин. У хаётнинг ўзи каби чексиз мавзудир. Миллий ғоя халкнинг миллий манфатларидан келиб чиқади ва уни ўзида ифода этади... Хаар қандай халкни халк, миллатни-миллат қиладиган, унинг йули ва мақсадларини аник-равшан чарогон этадиган мафкура-миллий ғоя шакллантиришнинг асосий шарти-одамларнинг тафаккури дунёкарашининг вокеликка нисбатан таъсирини инобатга олишдир. Шу маънода миллий ғоя, миллий онг туйгусининг моҳиятини тугри англаш, уни тарбия килиш уни бугунги куннинг энг зарур вазифаларидан бири сифатида эътироф этиш, бу хусусиятда бахсу мунозаралар олиб бориш, фикр алмашиш, очик-ойдин гапириш, уйлайманки, ижтимоий тарккиётимиз учун ката наф келтиради».

Учинчидан, миллий истиклол мафкурасида синфийлик, яккапартиявийлик мафкурасига хос булган хукмронлик, зуравонликдан асар ҳам йук.

Туртинчидан, миллий истиклол мафкураси ўзининг мазмун-моҳияти, туб макс а два вазифаларига кура зулм ва зуравонликка, гиромлик ва сохтакорликка, гайриинсоний, гайримиллий ғояларга асосланмаган, шу сабабли ҳам халокатга учраган коммунистик мафкурадан ер билан осмонга фарк қилади. Улар табиатан, моҳиятан тубдан карама-қаршидир. «Шуро даврининг мафкураси, коммунистик дунёкараши, деёди. И. А. Каримов-агарки аслини суриштирсангиз, моҳият эътиборига кура, бизнинг турмуш тарзимизга, халкимизнинг табиатига тамоман бегона эди. Шунга карамасдан, кишиларнинг онгига мажбуран сиргдирилган бу сохта таълимотнинг салбий

таъсири ханўз сезилиб туради. Афсуски, биз бу саркитлардан хали буткул халос булла олганимиз йук».

Бешинчидан, миллий истиқлол мафкураси жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуги ва мукаддаси-инсондир, деган ғояга асослангандир. Унинг туб мақсади-инсон, унинг хаёти, шаъни, кадр-киммати, ҳуқук ва эркинликларини мукаддас деб билиш ва химоя қилишдан иборат.

Олтинчидан, «миллий истиқлол мафкураси халқимизнинг азалий урф-одат, анъаналарига, тилига, дилига, рухиятига асосланиб, келажакка ишонч, меҳр-оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат туйғуларини онгимизга сингдиришга»¹⁰, хизмат қилади.

Еттинчидан, миллий истиқлол мафкураси ҳар қандай партиявий мафкуралардан устун бўлиб, ўзида халқимизнинг иймон ва инсоф, ватанпарварлик, табиатга меҳр-муҳаббат, етим-есирларга, мискинларга раҳм-шафкат, бағрикенглик, мурувват, оқилу донолик, саховат одамийлик, дустларга вафодорлик, меҳмонновозлик каби юзлаб ва минглаб ҳислат ва фазилатларни мужассамлаштирган.

Саккизинчидан, миллий истиқлол мафкурамизда, жамиятимиздаги барча кучлар, ҳаракатлар, жамоат ташкилотлари, ижтимоий гуруҳлар, аҳолии турли катламлари, миллатлар ва элатлар, сиёсий партияларнинг ўз-фикрлари, орзу-умидлари, манфаатлари, ўз ифодасини топган. Асосий қонунимизнинг 12-моддасида айтиб утилганидек, «Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади.

Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида урнатилиши мумкин эмас».

Туккизинчидан, мафкурамизнинг айна пайтда ҳам миооий ва умуминсоний кадриятларни ўзида мужассам этганлиги, энг ривожланган,

¹⁰ Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисодий сиёсий, мафкура. 1-жилд. –Т.: «Ўзбекистон», 1996-йил, 203-бет.

тараккий топган давлатлар, жамиятлар, халқлар ва миллатларнинг тарихий тажрибалари, ютуқларига таянганлиги, унинг ўзига хос жихатларидан бўлиб хисобланади.

Унингидан, миллий истиқлол мафкурасининг мазмунини очиб берадиган, инсонпарварлик моҳиятини тула ифодаладиган, унинг мустабид тўзум давридаги мафкурадан тубдан фарқладиган жихатларидан яна бири хилма-хиллигига асосланганлигидир.

Фикрлар хилма-хиллиги ҳеч қачон жамият тараккиётига салбий таъсир курсатган эмас. Фикрлар ранг-баранглиги ҳар доим янгидан-янги ғояларни келтириб чиқарган ва бойитган. Турли фикрлар асосида бахслашув ҳақиқатни билиб олишга олиб келади. Тарихда илм-маърифат тараккиёти анна шу йулдан борган. Агар барча масалалар ва муаммолар буйича ҳама одамлар, сиёсий партиялар, ижтимоий гуруҳлар, жамоат ташкилотларида бир хил фикр булса, ўзгача фикр-мулоҳазалар назар писанд килинмаса, бу тафаккур кишанланганлиги, бугиб куйилганлиги, тафаккур тараккий этмаганлигининг далолатидир.

Турлича фикрлилик, ғоялар ва қарашлар хилма-хиллиги фожиа эмас, балки инсон ақл-идроки ва тафаккури тез ривожланиб, такомиллашув, бойиб бораётганлигининг ифодасидир. Бу ерда энг асосий масала-турлича қараш ва нуқтаи назарларга ҳолисона баҳо бериш, уларнинг энг яхшиларини танлаб олиш, улардан амалиётда оқилона фойдаланишдир. Шунинг учун ҳам фикрлар хилма-хиллигини миллий истиқлол мафкурамиз ривожланишини таъминлашга имкон берадиган йуллардан бири деб қараса бўлади.

Ун биринчидан, миллий истиқлол мафкурасининг асл маъноси эскича қарашлар ва ақидалардан тамомила холи булган, бошқача айтганда, «озод, ўз ҳақ-ҳуқуқларини яхши танийдиган, боқимандаликнинг ҳар қандай қурбанишларини ўзи учун ор деб биладиган, ўз қучи ва ақлига ишониб яшайдиган, айна замонда ўз шахсий манфаатларини халқ, Ватан

манфаатлари билан уйгун холда кутарадиган комил инсонларни тарбиялашдан иборатдир»¹¹.

Ун иккинчидан, миллий истиқлол мафкураси-том маънода Ўзбекистон Республикасида истикомат қилаётган барча халқлар, элатлар, миллатларнинг манфаатларини умумий тарзда ифодаладиган мафкурадир. Бошқача айтганда, у мамлакатимизда истикомат қилаётган, ўзининг Ўзбекистон фукароси эканлигидан чексиз фахрланадиган ифтихор туйғуларини туядиган барча халқлар ва миллатларнинг умумий муддаоларини ифодаладиган, уларнинг бошини бириктириб, жипслаштириб бита асосий мақсадга ундайдиган нуктаи назарлар, ғоя ва эътикодлар, билимлар тизими, мажмуини ташкил қилади.

Ун учинчидан, миллий истиқлол мафкураси мамлакатимизда ҳукукий давлат, адолатли фукаролик жамияти кури шва мустахкамлашнинг ғоявий асосидир.

Ун туртинчидан, миллий истиқлол мафкураси мамлакатимиздаги жамики халқлар ва миллатларни, давлатимиз фукараларини буюк мақсад йўлида маънавий якинлашувига кумақлашади.

¹¹Каримов И. А. Уз келажигимизни уз кулимиз билан курмокдамиз. -Т.: «Ўзбекистон», 1999-йил, 16-бет.

1.3. Ғоя ва мафкураларнинг турлари ва шакллари.

Инсоният тарихининг ҳар бир боскичи ўзига хос ғоя ва мафкуралар билан боглик булшани каби мафкуралар ҳам ўзига хослиги нуктаи назаридан икки турга булинади. Уларнинг биринчиси эзгулик, яхшилик, инсонийлик билан боглик булган бунёдкорлик ғоя ва мафкуралари, уларнинг иккинчиси ёвўзлик, ёмонлик билан боглик булган вайронкорлик ғоя ва мафкурадан иборат.

Ғоя ва мафкураларнинг тарихий шакллари, мазмун-моҳияти азал-азалдан эзгулик ва ёвўзлик, бунёдкорлик ва вайронкорлик уртасидиги кураш диалектикаси белгилаб келади, яъни, боскинчилик, бошқалар ҳисобидан бойиш, тажавўзкорлик, акидапарастлик мафкураларига карама-қарши уларок, озодлик, мустакиллик ва адолат ғоялари ўзлуксиз майдонга чикиб, ҳалқларнинг мўзаффар байрогига айланган.

Бунёдкорлик мафкураси деб жамият тараккиётни олдинга, ривожланишга етақлайдиган, мамлакат аҳолисининг нисбий купчиллигига хизмат қиладиган, жамиятдаги ҳар қандай ёвўзликни, жаҳолатни, инсон манфаатларига зид булган ҳолатларни коралайдиган ғоялар йигиндисига тушунилади.

Бунёдкорлик ғоя ва мафкураларига куйидагилар киради.

- | | |
|--------------------|------------------------|
| 1. Озодлик. | 8. Мустакиллик. |
| 2. Тинчлик. | 9. Адолат. |
| 3. Тенглик. | 10. Ҳамкорлик. |
| 4. Дустлик. | 11. Бирдамлик. |
| 5. Хурфикрлик. | 12. Маърифатпарварлик. |
| 6. Бағрикенглик. | 13. Халқпарварлик. |
| 7. Ватанпарварлик. | 14. Инсонпарварлик. |

Маълумки бунёдкор ғоя ва мафкуралар тараккиётга хизмат қиладиган, жамият ва инсонни эзгуликка ундайди.

Бўзгунчи ғоялар, мафкуралар ҳалқлар бошига сунгсиз, чексиз кулфатлар келтиради. Бунга ўзок ва якин тарихдан куплаб мисоллар келтириш мумкин. Инсон ва жамият бор экан, эзгу ғоя, мафкуранинг зидди булган зулм ва зуравонлик, кабохат ва жахолат янги-янги шақлларда намоён булишга уринади. Лекин улар одамзоднинг адолат, тинчлик ва биродарлик, тараккиёт ва фаровонлик ғояларига таяниб, олий мақсадлар сари интилишларини асло тухтата олмайди.

Шу билан бирга вайронкор ғоя, мафкураларнинг мазмун-моҳиятини, мақсад-муддаоларини билиш нихоятда муҳим. Бу фукаралар, айникса ёшлар учун бўзгунчи ғоялар, мафкуралар хавфини англаш, ўзларида мафкуравий иммунитет хосил килиш учун зарур билимларни эгаллашга ёрдам беради.

Вайронкор, бўзгунчи ғоя ва мафкураларга куйидагилар киради.

- | | |
|----------------------|--------------------|
| 1. Мустабидлик. | 6. Боскинчилик. |
| 2. Террорчилик. | 7. Акидапарастлик. |
| 3. Жахолатпарастлик. | 8. Иркчилик. |
| 4. Миллатчилик. | 9. Махаллийчилик. |
| 5. Ватансизлик. | 10. Ёвўзлик. |

Мафкуралар юкорида баён этилган турлар билан бир каторда куйидаги шақлларга ҳам булинади:

- | | |
|----------------------|-------------------------|
| 1. Сиёсий мафкура. | 7. Иомий мафкура. |
| 2. Хукукий мафкура. | 8. Дахрийлик мафкураси. |
| 3. Ахлокий мафкура. | 9. Экологик мафкура. |
| 4. Эстетик мафкура. | 10. Демографик мафкура. |
| 5. Фалсафий мафкура. | 11. Иқтисодий мафкура. |
| 6. Диний мафкура. | |

Сиёсий мафкура давлат, унинг органлари, сиёсий партиялар уртасидаги сиёсий карашлар, сиёсий муносабатларда ўз аксини топади.

Хукуий мафкура конституция, кодекслар, конунлар, норматив меъёрий хужжатларга нисбатан булган карашлар, муносабатларда ўз ифодасини топади.

Ахлокий мафкура инсонларнинг юриш туришлари, ахлокий нормалари, одоблари хакидаги ғоялар, карашлар мажмуасидан иборат.

Эстетик мафкура вокеликни бадий, эстетик акс эттириш хакида ғоялар, карашлар, муносабатларда ўз аксини топади.

Фалсафий мафкура эса вокеликни фалсафий англаш, тушунтириш хакидаги ғоя, карашлар, муносабатлардан иборат.

Диний мафкура диний таълимотлар, динлар илгари сурган ғоя, карашларда ўз урнини эгаллаган.

Илмий мафкура эса фан далиллари, ғоялари хакидаги карашлар, муносабатлар оркали юзага чиқади.

Дахрийлик мафкураси дахрийлик хакидаги таълимотлар, ғоялар, карашлар, муносабатларда ўз ифодасини топган.

Экологик мафкура инсон теварак-атрофи, табиат, усимлик, хайвонат дунёсида тозалик табиийликни сақлаш, инсон саломатлигига салбий таъсир курсатадиган омилларга йул куймаслик масалаларини ўз ичига олади.

Демографик мафкура ахолининг зичлиги, тугилиш, улим, ахолини кучиши хакидаги ғоялар, карашлар, муносабатлардан иборат.

Иқтисодий мафкура мамлакатлар иқтисодиётини янада ривожлантириш билан боғлиқ ғоя, караш, муносабатларда ифодаланади.

Сиёсий мафкураларни таҳлил қиладиган булсак, бундай мафкуралар таркибида хилма-хил бунёдкорликни ҳам вайронкорлик, ёвўзликни ҳам тарғиб қиладиган мафкуралар учраб туради.

Жумладан, улар ичида инсоният тараққиётига тускинлик қилган ғоя ва мафкуралар ҳам мавжуд. Хусусан, экстремизм (лотинча-extremus-ута) ижтимоий-сиёсий характердаги муаммоларни хал этишда уша кескин чоратадбирлар, фикр-карашларни ёқловчи назария ва амалиётдир.

Экстремизм мазмунига кура-диний ва дунёвий, намоён булишига кура-худудий, минтакавий, халкаро шаклларга булинади.

Экстремистик карашлар жуда чукур илдизларга эга бўлиб, ҳеч қандай чегара билмаган, дин, миллат, худудни тан олмаган. Дунёвий экстремизмнинг сиёсий, иқтисодий, мафкуравий, миллий куринишлари мавжуд булгани холда, диний экстремизм барча динлар доирасида ривожланган. Диний экстремистик руҳдаги карашларни католиклар, проваславлар, протестантлар орасида ҳам учратиш мумкин.

Диний экстремизм ислом оламида ҳам кенг таркалган. Диний экстремистлар каерда фаолият курсатмасин, асосий мақсадга ўзаро низолар, ихтилофлар, куролли тукнашувлар оркали, яъни кон тукиш ва зурлик билан эришишни кўзлайдилар.

Бу эса мустакилликка ҳам, жамият тараккиётига ҳам катта гов булади. Экстремистик гуруҳларнинг ягона мақсади хокимиятни кулга олиш бўлиб, бу йулда улар энг жирканч усуллардан фойдаланадилар.

Агар урта асрлар экстремизм, ўз навбатида, жавоб реакцияси тарзида-антогонизмга асосланган турли ғоялар ҳамда атеизмнинг кучайишига ҳам сабаб булди. Вакт утиши билан Алоҳида сиёсий кучлар бундай ғоялар ва худога мурасасизликка асосланган атеизмдан ҳам, ўзларининг мафкуравий мақсадлари йўлида фойдаландилар. Ғоялар ва мустабид мафкуралар тарихида бундан фойдаланишда собик коммунистик таълимот Алоҳида урин тутуди. У ташки жихатдан адолат идеалини ўзида мужассам этган олижаноб интилишларни асос килиб олгандек куринсада, охир окибатда мустабид жамиятни шакллантириш мафкурасига айланди.

Большевизм Билан бир каторда XX асрнинг бошида мустабид ғоя ва мафкуранинг бошка шакли-фашизм (итальянча фашио-оким) пайдо булди. Собик социалист Б. Муссолини Италияда фашистлар харакатининг асосчиси булди. Германияда Миллий Социалистик партия тўзган А. Гитлер эса фашизмнинг «маъновий ота» сига айланди. Фашизм II-жахон уруши оловини

ёкди. 60 миллионга якин кишининг кирилиб кетишига сабаб булди. Бизнинг мамлакат ҳам мотам либосига уралди. Иккинчи жахон уруши жабхаларида курашган Ўзбекистонлик жангчилардан, улар бир миллион турт юзи уттиз учминг икки юзи уттиз нафар эди. Улардан 263.005 киши жанг майдонларида халок булди. 132.670 нафари бир умрга ногирон бўлиб қолди.¹²

Сиёсий мафкуралардан яна бири «расизмдир». Расизм сўзи ирк атамасидан келиб чиккан. Бу атама XVII асрдан бошлаб Европада «инсоният насли»ни турли иркий гуруҳлар, жумладан, «ок», «кора» ва «сарик» иррка ажратиш учун куллай бошлаганлар. Иркчилик таълимоти «ок танли»ларнинг афзаллиги, уларнинг азалдан «олий ирк» этиб танлангани, бошка иркларнинг эса «ок»ларга караганда номукаммал яратилганлиги ва ҳамиша тараккиётнинг куйи погоналарида туришини «асослаб» беради. Унинг асосий ғояси ўзининг «илохий» табиатига кура «ок» иркларни куйи ирклар устидан ҳукмрон қилишга даъват этишга қаратилган эди.

Иркчилик миллий мансублиги ва терисининг рангига кура ажралиб турувчи кишиларга тазйик утказиш, уларни ҳақоратлаш, уриш ва улдириш каби ҳаракат-ходисаларда яккол намоён булди. Ижтимоий ҳукмронлик шаклларида бирининг мафкураси булар экан, у буюк давлатчилик, ашаддий шовинизм, «танланган ҳалқларнинг миллий афзаллиги ғоялари Билан чамбарчас боғланиб кетди.

Иркчилик куп киёфали. Масалан, ўзини олий ирк ҳисоблаган инглиз, испан, францўз боскинчилик урта ва айникса, XVIII-XIX асрларда Америка, Африка ва Осиёда ерли ҳалқларни куплаб кириб ташладилар. Жанубий Африка Республикаси томонидан XX асрда ўзок йиллар мобайнида утказиб келинган иркий айирмачилик сиёсати-шафқатсиз иркий таҳкирлаш ва камситишда ўз ифодасини топди. 1865-йил АКШда тўзилган «Ку-клукс-кран» террористик ташкилоти ҳам ўзининг ошқора иркчилик йуналишидаги фаолияти билан ажралиб туради. Негрларнинг фуқаролик ҳуқуқларига қарши

¹²Каримов И. А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. –Т.: «Ўзбекистон», 1996йил, 80-бет.

кураш ва уларни мамлакатдан чиқариб юбориш унинг асосий ғояси ҳисобланган.

Яна бир ёвўз мафкура-терроризм бугунги кунда ҳам инсониятга катта таҳдид солмоқда. Жамиятга доимий қурқув, фитнаа-ғаламислик муҳитини вужудга келтириш, зуравонлик йули билан жамият тараққиёти, барқарорлигини бўзиш, гуноҳсиз кишилар, жумладан, болаларнинг ҳалок бўлишига олиб келадиган сиёсий мақсаддаги улдириш ва портлашлар бу мудҳиш ғоянинг асл моҳиятини ташкил этади.

Сиёсий терроризм XIX асрдаёқ мавжуд бўлган. Лекин у XX асрда кенг кулоч ёзди. Ғарбий Германиядаги «кизил армия» ва Италиядаги «кизил бригада» гуруҳлари, Испаниядаги басклар ташкилоти, Ольстердаги «Инкилобий-ҳалоскорлик армияси», Перудаги «Порлок ҳаёт» каби бирлашмалар замонавий сиёсий террористларнинг биринчи авлоди эди. Кейинги йилларда дунёнинг унлаб мамлакатларида, жумладан, бизнинг ёш мустақил давлатимиз пайдо бўлди. Улар мустақил Ўзбекистонга қарши қуч йигмоқда. Чунончи, Тошкентда 1999-йил 16-февралда, 2000, 2001-йилларда Сариосиё, Ўзун, Бустонлик туманларининг тоғли кишлокларида бўлган жангариларнинг ҳаракати, 2004-йил 28-30-март, 1-апрель кунлари Тошкент шаҳри, Ромитон тумани, Куйлик тумани ҳудудларида бўлган террористик ҳаракатлар, 2005-йил 13-майда Андижон шаҳрида конституциявий тўзумга қарши бўлган ҳаракатлар, бўзгунчи сиёсий қучларнинг ҳалқимизни демократик тараққиёт йўлидан қайтаришга бўлган уринишлари тухтамаганлигидан далолат беради.

Фалсафий мафкураларнинг ҳам ўзига хос қурилишлари мавжуд. Булар теизм, монизм, дуализм, материализм, идеализм қурилишларига эга. Теизм (teos ва logos сўзларидан олинган бўлиб ҳудо ҳамма нарсанинг яратувчиси деган маънони англатади) оламнинг асосини ҳудо ташкил қилади. Оламни ҳудо яратган дуб тушунтиради.

Монизм эса олам битта нарсадан, яъни уларнинг баъзилари моддий асосдан бошқалари маънавий-рухий асосдан ташкил топган, деб ургатади.

Дуолизм (лотинча dualis-икки) оламнинг вужудга келиши, мавжудлик қонуниятлари ҳам рухий-илохий, ҳам моддий асосга эгаллигини эътироф этувчи таълимот, мафкурадир.

Дуализм Шаркнинг диний-фалсафий карашлари доирасида кенг тарқалган. Зардуштийликнинг муқаддас китоби булмиш «Авесто»да тирикликнинг маъно-мазмунини азалдан икки мавжудот-Ахура Мазда ва Ахриман (Анхра-Маню) уртасидаги, яхшилик, эзгулик, ёруғлик билан ёмонлик, қоронғулик, зулмат уртасидаги қурашдан иборат деб қайд қилинган фикримизнинг далили булла олади. Бу ҳилдаги карашлар Марказий Осиёда ислом дини қарор топгунча ҳам устивор бўлиб келган.

Марказий Осиё пантеизми оламнинг яратувчиси Аллох, лекин табиат ривожини ўз-ўзидан содир бўлади, деган ғояни қайд қилади. Шунинг учун ҳам Марказий Осиё Уйғониш даврининг мутафаккирлари табиий билимларни ҳам, исломий билимларни ҳам чуқур урганишга ҳаракат қилганлар.

Янги замон фалсафасида Р. Декарт оламнинг асосини ҳам моддий, ҳам рухий субстанция ташкил қилади, деб талқин қилган. У борлиқни фикрловчи субстанция (рух) ва материяга бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда, Декарт бу икки субстанциянинг инсон учун аҳамияти масаласини ҳал қилади. Бунга қура, психологик ва физиологик ҳодисалар бир-бирига боғлиқ эмас. Бу даврда онтологик дуализм билан бир қаторда билиш субъектини билиш объектига қарама-қарши қуёвчи гносеологик дуализм ривож топганини ҳам таъкидлаш зарур.

Фалсафий мафкуралардан яна бири плюрализм (лотинча pluralis-куплик)-бир-биридан мустақил бўлган ва қандайдир ягоналикка келтирилмайдиган борлиқ турлари, ғоялар, карашлар ва социал институтлар куплигини билдирувчи фалсафий-дунёқараш, таълимот, мафкурадир.

Миллий истиқлол ғоясининг яратилиши, унинг асосий тушунча ва тамойилларининг ишлаб чиқилиши мамлакатимизда фикрлар хилма-хиллиги ва ранг-баранглиги ҳукм сургани ҳолда барча фуқароларнинг бу асосий ғоя атрофида жипслашуви ва уюшмоғига имкон беради.

Фалсафий мафкура, таълимотига: материализм ва идеализм ҳам киради. XX аср 90-йилларига қадар бу соҳаларда каттик баҳслар, рад этишлар ҳукмрон эди. Ҳозирги вақтда бу таълимотларга ургу берилмаётир, умумий инсоний фалсафага катта эътибор қаратилган.

II-БОБ. Миллий ғоянинг умумбашарий тамойиллари.

2:1. Миллий ғоянинг амал килиш тамойиллари.

Миллий ғоянинг умумий амал килиш тамойиллари ўзига хос тарзда намоён булади. Жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг мазмун-моҳияти, амалга оширилаётган фаолият, ислохот ва ўзгаришларнинг самараси Ушбу тамойилларнинг одамлар ҳаётига қай тарзда таъсир кўрсатишига боғлиқ. Улар миллий ғоянинг жамият ҳаётининг турли соҳаларида қай тарика намоён булишини, бу соҳалардаги амаога оширилаётган ислохотларнинг ғоявий жихатларини белгилайди. Бу тамойиллар ушбу соҳалардаги амалий фаолият, жамиятимиз аъзоларининг хатти-ҳаракати, меҳнати, яшаш тарзини ташкил этишда маънавий мезон сифатида катта аҳамият касб этади.

Шу билан бирга миллий ғоянинг амал килиш тамойиллари таълим-тарбия ва тарғибот ташвиқот ишларининг шу соҳадаги асосий йуналишларини ҳам белгилаб беради. Бу борадаги амалий фаолият анна шу тамойилларга таянган ҳолда олиб борилганида кутилган натижаларга эришиш мумкин. Ушбу натижалар, ўз навбатида, ҳаётда умуминсоний ва миллий кадриятларга содиклик, инсон ҳуқук ва эркинликларининг таъминланиши, қонуннинг устиворлиги, демократия ва қучли давлатдан қучли фуқаролик жамиятига ўтиш тамойилларининг намоён бўлиш даражасини ҳам қурсатади.

Шуни Алоҳида таъкидлаш лозимки, миллий ғоянинг амал килиш тамойиллари бир бутинликда, чамбарчас алоқадорликда намоён булади. Масалан, умуминсоний кадриятларнинг устиворлиги қонун устиворлигига, бу эса жамият ҳаётининг эркинлашуви, инсон ҳуқуқларининг таъминланишига кенг имконият яратади. Ўз навбатида, миллий кадриятларга ҳурмат эса юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги каби эзгу ғояларга содиклик тўйгуларини тарбиялайди.

Бу тамойилларни халқимиз, айниқса, ёшлар қалби ва онгга сингдиришда жаҳон ва мамлакатимиз ҳаётига оид далиллардан ижодий

фойдаланиш лозим. Бу борада собик мафкурага хос эски усуллар, алмисокдан колган ва сийкаси чиккан мисоллардан фойдаланиш мукаддас ғояларнинг обрусизланиши ва кадрсизланишига сабаб булишини эсда тутиш зарур.

Миллий ғоянинг мустакиллик йилларида ишлаб чикилган тамойиллари бир-бири билан ўзвий алоқадордир. Улар умуминсоний кадриятлар устиворлиги талаблари тула туқис мос келади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-моддасида ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрлар хилма-хиллиги асосида ривожланади. Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида урнатилиши мумкин эмас дейилган.

Албатта, давлат-жамият сиёсий тизимининг ўзаги, мамлакат барқарорлиги ва изчил таракқиёти учун масъул булган сиёсий институтдир. Шу маънода у жамиятнинг ўз миллий ғоялари атрофида мустаҳкам жипслашуви, фикрлар ранг-баранглиги ва қарашлар хилма-хиллиги асосида ҳаётга мафқуравий жараёнларнинг мувофиқлашувидан манфаатдор. Бош ислохотчи сифатида давлат ижтимоий-сиёсий барқарорлик, миллий ҳавфсизлик, келажак ҳаёт манфаатларидан келиб чиқиб, жамиятда миллий ғоянинг кенг ёйиш борасида фаолият олиб боради.

Буни хориж тажрибасида ҳам қуришимиз мумкин. Бу мамлакатларда юзаки қараганда ғояга, мафкурага у қадар катта этибор берилмайдигандек туюлади.

Масалан, АКШни олайлик. Бу ерда ҳар бир инсон онгига «Сен-америкаликсан, озод инсонсан, сенинг эркинлигингга дахл қилишга ҳеч қимнинг ҳаққи йук» деган тушунча болаликдан сингдириб борилади. Шунинг учун ҳам бу мамлакат фуқароси, дунёнинг қай бурчагида булмасин, «Мен-Америкаликман» деб гурурланиб юради.

Миллий ғоя инсонпарварлик тамойилига амал қилишни тақозо этади. Мамлакатимизда инсонпарвар ва демократик жамият барпо этилмокда. Биз халқимизнинг мукаддас кадриятлари ҳамда улкан тарихий меросига таяниб,

шунингдек, умум эътироф этилган демократик тамойил ва меъёрларга риоя килган ҳолда, инсонпарвар жамият барпо этмоқдамиз. Бугунга келиб, мустабид тўзум асоратларидан, унинг гайриинсоний ғояларидан, шунингдек, якка мафкурачилик амалидан халос булдик. Хозирги мураккаб ривожланиш боскичида Ўзбекистоннинг демократик истикболини жамиятда инсоннинг туб манфаатларига мос ижтимоий муносабатларни шакллантириш орқалигина таъминлаш мумкин. Бунда миллий ғоянинг инсонпарварлик ва демократик тамойиллари инсон ва жамият манфаатлари уйғунлигини белгилаб берувчи таянч нукта ва жипслаштирувчи куч ҳисобланади.

Миллат тафаккури ва рухияти ва фикрлаш тарзи карашлар хилма-хиллигини асло инкор этмайди. Халкимизнинг «Кенгашли туй таркамас» деган мақоли ҳам фикримизни тасдиқлайди. Умумбашарий демократик тамойилларнинг ҳаётимиздан мустаҳкам урин олиши маънавий куч-кудратимиз тимсоли булган миллий ғояда акс этган инсонпарвар тўзум, барқарор тараккиёт, хавфсизлик, миллий давлатчиликнинг маънавий таянчлари нечоғлик мустаҳкам булишига боғлиқ.

Ўзбекистон Конституциясида ва мамлакатимиз қонунларида фуқароларнинг ҳуқуқлари тула қафолатланган. Бу ҳуқуқий асосга таянган ҳолда гайриминсоний карашларнинг ҳаётимизга таъсиридан мутлақо халос бўлиш миллатнинг куч қудратини заифлаштирувчи айрим маънавий нуқсонларга барҳам бериш жараёни изчил амалга оширилиши керак. Бу эса демократия моҳиятини том маънода англаб етишни, ҳокимият органлари ва фуқаролар уртасидаги муносабатлар тизими ва маданиятини юқори савияга кутаришни талаб этади.

Виждон эркинлиги одамзод азал-азалдан интилиб келган, турли даража ва қуринишларда амалга оширилган умуминсоний тамойиллардан биридир. «Виждон эркинлиги» «эътикод эркинлиги» тушунчасидан қура кенг мазмунга эга. «Эътикод эркинлиги» инсоннинг бирор-бир динга эътикод қуйишда ўз ихтиёри билан иш тутишини ифодалайди. «Виждон эркинлиги»

эса муайян кишининг биров динга, ғояга эътикод килиши ёки умуман эътикод килмаслигини ҳам англатади. Инсон диндор, динсиз дахрий ёки художуй булиши ҳам мумкин. У дунёвий ёуи диний билимлар тарафдори сифатида намоён булиши мумкин. Аммо бу анг шу кишини айблаш учу насос булмайди, балки кимнинг қандай эътикодга эга булиши ёки булмаслиги унинг виждонига хавола этилади, демакдир. Аммо бу тамойил виждон ва бурч жамиятдаги бошка умуминсоний талабларни тан олмаслик, турли акидаларни мутлақлаштириш, бошкалар учун кадрийат булган нарсаларни менсимпслик дегани эмас. Балки кишининг ишончи, эътикоди соҳасидаги англаб олинган эркинлиги, жамият конунларига мос хаёт кечириш демакдир.

Фикрлар ранг-баранглигини карор топтириш-демократик жамият барпо этишнинг асосий шартидир. Демократия давлат ва жамият курилиши, уни идора этишнинг энг макбул шақли сифатида хар бир фукарога ўз карашларини, фикрини эркин ифода этиги учун шароит яратади. Бу эса инсоннинг мамлакат сиёсий, ижтимоий, маданий, иқтисодий хаётидаги иштирокини, конунларни ишлаб чиқишда, уни хаётга жорий этишдаги фаоллигини таъминлайди. Миллийғоянинг ушбу таъмоийли оламдаги турли-туманлик билан инсон дунёсидаги хилма-хилликнинг, одамлар фикрлаши, орзу-умидлари, ғоя ва мақсадлари соҳасидаги ранг-барангликнинг уйғунлигини ифодалайди. Фикрлар ранг-баранглиги миллий ғояга жон багишлайди, унинг такомиллашувига ёрдам беради. Анна шу асосда бу мафкура хилма-хил фикрлар билан бойиб боради, турли ғояларни ўзига доимий сингдириш имконига эга булади.

Умуминсоний кадрийатларнинг устиворлиги-миллий ғоянинг асосий тамойиллари биридир. Фукарлар онгига истиклол дунёкарашини шақллантириш, уларни ижтимоий хаётдаги янгиланиш ва ўзгаришлар жараёнига кенг жалб этиш, замон тараккиётидан ортда колмаслигига эришиш, жахон тажрибасини, умуминсоний демократик кадрийатлар моҳиятини урганишни талаб этади. Бу, одамларнинг буюк келажак яратиш

жараёнига ишончини мустахкамлашда, фукароларнинг сиёсий маданиятини устиришда, баркарор тараккиёт муаммоларини тугри англашида ғоявий йуналиш бўлиб хизмат қилади.

Миллий ғоя эркин фукаролик жамиятига утиш жараёнида халқ тасаввурини ўзгартириш ва янгича маъно-мазмун билан тулдириш, ҳукукий давлатчиликка хос тамойилларни турмаш тарзига айлантиришда умуминсоний кадриятларга таянади. У халқнинг орзу-умидларини умуммиллий даражада юксалтириб, одамларни умумбашарий интилишларга томон етаклайди.

Миллий кадриятларга содиклик-миллий ғоянинг таянчидир. Мустакиллик садокат хиссини барчага баробар шақллантириш, фукаролик туйғусини мустахкамлаш, миллий кадриятларимизни эъзозлаш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан биридир. Бу туйғуга Шарқ, айникса, ўзбек оилаларида болалар тарбияси жараёнида катта аҳамият берилади. Ўзбек оиласида азал-азалдан унинг аъзолари оила манфаати учун ота бошчилигида фидокорона меҳнат қилади. Меҳнат оила аъзоларининг ёши ва малакасига яраша таксимлаб чиқилади. Бунда оила аъзоларининг бирортаси, ҳатто 4-5 яшар бола ҳам вазифасиз қолмайди. Боланинг кучи, ёши малакасига қараб вазифа юклатилган, ёши катталашган сари уларнинг вазифаси ҳам катталашиб боради. Бунда, энг муҳими, бола муҳнатида фойдаланиб қолиш эмас, балки бола диққати ақлини меҳнатга жалб қилиш, унинг қалби, фикри-уйини кераксиз иқир-чиқирлар, нореал ҳаёллар, нотугри тасаввур, тушунчалар билан эмас, балки жонли юмуш, амалиёт билан банд қилиш истикболдаги яшаш дастурини такомиллаштириш бўлган. Боланинг ўзи ҳам кучи етганча, қулидан келганча катталар қатори турли бойликлар, кадриятлар яратишда иштирок этиб, унинг самарасини қурганда, катталар билан баробар меҳнат ютуқларидан қувонади, мувоффақиятсизликдан ҳафа бўлади, унда ҳаёт ҳақида ҳаққоний тасаввур билим шаклланиб боради. Бунда болани зурлаб меҳнат қилдиришга мутлақо йул қуйилмайди: болада муҳнатга

ихтиёрий хавас, меҳр уйғотилади. «Хаётнинг мазмуни, яшашни мақсади-мехнатда, мехнатга лаёкатли бўлишда» деган тушунчани жуда ёшлиқдан унга сингдириш тарбиянинг асоси, пойдевори бўлади. Лекин хаётда бунинг акси ҳам учрайди, бола ёшлиқдан мехнатга жалб қилинмайди. Унда мехнатга кизикиш, хавас уйғотилмайди, ўз вақтида мехнатга қуникма, малака ҳосил қилинмайди. «Болам ҳали ёш, уни мехнат эзиб ташдайди. Эси кирса ҳали мехнат қилишга улгуради» дегувчи боқибегам ота-оналар қаторида ўз болалари тарбиясига шу гаплар билан чек қўйганлари ҳам топилади. Бола ёшлиқдан мехнат қилишдан, малакасини оширишдан, амалиётдан ўзқлаштирилдими, унинг келажаги, истиқболи бой берилди деб ҳисоблайверинг. Унда на одамгарчилигу инсонпарварлик, на виждону инсоф, на мустақил фикрлаш қобилияти бўлади. Халқимиз бундан кишиларни текинхур, боқиманда деб атаб ўз болаларини ана шундайларга ухшаб қолишидан эҳтиёт қилганлар. Мехнат қилишга одатланиб қолган кишида орномус, виждон, сабр-тоқат, одамгарчилик, инсонпарварлик, меҳр-шафқат, меҳмондустлик, тежамкорлик, бировлар меҳнатининг қадрига етиш ҳиссиёти тез шаклланади. Бундай ахлокий сифатларга эга бўлиш, ўз навбатида, миллий ғоянинг амал қилиш тамойилларининг шаклланиши учун асос бўлади.

Бу тамойил Ўзбекистон ҳудудида истиқомат қилаётган ҳар бир фокаронинг ўз миллий қадриятларини асраб-авайлаши, келажак авлодларга етказиши учун тула имкониятлар яратилишини ифодалайди. Утмишдаги боболаримиз қолдирган мерос, маданий бойликлар, мумтоз қадриятларни ҳурмат қилиш, уларни урганиш, улар замиридаги бу тамойилнинг асосий жихатларидан. Ҳар бир миллатнинг тили, қадриятлари, урф-одатлари, анъаналарини ҳурмат қилишни таъминлаш миллий ғоянинг амал қилишида умуминсоний андозалар намоён бўлиши учу насос яратади.

Миллий ғоянинг шаклланиши шахс қадриятлари, инсон маънавий олами билан боғлиқ. Шубҳа йўқки, миллий истиқлол ғояларини амалга ошириш, аввало, ҳар томонлама билимли, маънавий жисмоний ва ақлий етук

инсонларга боглик. Бу эса хар бир юртдошимизни истиқлол ғоялаои билан куроллантиришни такозо этади. Соғлом авлодни тарбиялаш, эркин фукаро маданиятини шақллантириш, баркамол инсонни вояга етказиш ҳам ана шу вазифалар сирасига киради. Зеро, хар бир шахс ижтимоий жараёнларни ўзида мужассам этувчи куч сифатида жамиятдаги барча жараёнларнинг, жумладан, миллий ғоя амал килишида асосий омил хисобланади. Аввало, шахс миллий ғоянинг, унинг хаётбахш тушунчаларининг ўзлаштирувчиси, ўзига сингдирувчисидир. Таълим ва тарбия жараёнида, ижтимоий-маънавий тизим, малакани ошириш ва кайта таёрлаш, колаверса, жамиятдаги тулакони ахбарот макони оркали у аник ва окилона йуналтирилгар мафкуравий кадрийатлар, меъёрлар ва талабларни ўзлаштириши зарур.

Шахсинг миллий истиқлол ғояларини кенг ёйишдаги урни, аввало, унинг мафкуравий жараёнларда канчалик фаол иштирок этишида куринади. Фаол, интилувчан шасх мафкуравий таъсир, тарғибот ва ташвиқотнинг объектидан мафкуравий жараёнларнинг субъектига, мафкурачига, мафкуравий тарбия тизимининг мухим бугинича айланиб боради. Шундан сунг у миллий мафкура ғояларининг ташувчисига, тарғиботчисига, уни бошқаларга етказувчи воситага айланади. Хар бир шахс тегишли мафкуравий-ғоявий тайёргарликка эга булгач, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, таълим, фан, маданият, соғликни сақлаш, харбий хизмат ва хаётнинг бошқа соҳаларидаги фаолияти оркали миллий ғоянинг асосий тамойилларини ёйишда, тарғиб этиш ва мустахкамлашда фаол иштирок эта олади. Шу тарика бу ғоя ва тамойиллар одамларни аник мақсад, тараккиёт сари етақлайди, миллат кулидаги байроқка айланади.

Анна шу сабабларга кура, миллий ғояни амалга оширишда шахс таянч омил деб каралади, унинг имкониятларини юксак баҳолаган холда, асосий эътибор муайян шахсинг мафкуравий тайёргарлик даражасига каратилади. Бунда муайян шахсга ўзбек миллий характерининг афзалликларини ташвиқ, килиш, халкимиз маданиятининг бебаҳо ва бетакрор жонини англатиш,

Ўзбекларга хос жамоавийлик жамиятимизнинг муҳим хусусияти экани, ижтимоий бирдамлик тараккиётимизнинг манбаи бўлиб хизмат қилишига Алоҳида эътибор берилади. Шунингдек, бу жараёнда тараккиётга баҳоли қудрат ўз хиссасини қўша оладиган етук шахс тимсолини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Миллий ғоянинг амал қилиши тамойилларидан бири оила билан боғлиқ жараёнларда намоён бўлади. Оила-жамиятнинг мукаддас учоғи, энг асосий тарбия маконидир. Миллий ғояни одамлар қалби ва онгига сингдириш ҳам, аввало, оиладан бошланади. Айнан боболар угити, отанинг шахсий ибрати, онанинг меҳри орқали миллий ғоя авлоддан-авлодга, инсондан-инсонга ўтади, онг ва шуурда меҳрланиб боради. Иқтисодий фаровон, ахлоқий, ғоявий-тарбиявий жихатдан соғлом бўлган оила негизидаги жамият ва давлат мустаҳкам бўлади. Бундай оилаларда қомил инсон вояга ўтади, унинг тайгулари, тушунча ва дунёқарашида миллий ғоя кенг томир отади.

Миллий ғоянинг амал қилиш тамойиллари шахс ва оиладан ташқари жамоа, маҳалла билан ўзвий боғлиқдир. Хар бир Ўзбекистонликнинг ҳаётида «шахс-оила-маҳалла» ўчилиғи катта аҳамият касб этади. Бу шарқона турмуш тарзининг ўзига хос тизимидир. Бу-инсоннинг жамият ҳаётига ўзвий сингиб, ижтимоий муносабатлар иштирокчисига айланишида муҳим воситадир. Инсоннинг оилада шаклланган иймон-эътиқоди, одоби, орияти ва виждони, гурур-ифтихори, ақл-заковати, тафаккури маҳалла муҳитида янада юксалиб, халқ иродаси, ўзаро тотувлик ва ҳамкорлик ришталари билан уйғунлашиб, жамиятда соғлом муносабатларнинг шаклланишига, миллий ғоянинг мустаҳкамланишига олиб келади. Маҳалла шахс ва жамият муносабатларидаги муҳим боғловчи восита бўлиб хизмат қилади. Халқимизнинг азалий удумлари, урф-одатлари ва анъаналари ифода этган ҳолда маҳалла улкан ғоявий-мафкуравий тарбия учоғи вазифасини бажаради. Кексаларнинг фойдали панд-насихатлари, ёши катталарнинг шахсий ибрати,

жамоанинг ҳамжихатлиги мисолида миллий мафкуранинг Амалий киммати ортиб боради. Махалла тизими оркали мафкуравий ишларни самарали йулга қуйиш имкониятлари жуда кўп. Жамият одамлар уртасидаги муносабатлар мажмуидир. Бу муносабатлар ичида одамларнинг иродаси, интилишлари, умуман, маънавий омиллар муҳим аҳамият касб этади. Миллий ғоя бутун Ўзбекистон халкининг биргаликда инсонпарвар, фаровон демократик жамият қуриш, унда ҳар бир инсоннинг муносиб иштирокини таъминлаш бўйича қилган азму қарори ифодасидир. Инсон, оила, махалла, меҳнат жамоалари, давлат манфаатлари, уларни боғлаб турувчи ижтимоий-сиёсий тизимлар миллий ғоя оркали янада яққолроқ намоён бўлади.

Жамиятнинг асосий тараққиёт мақсади миллий ғоянинг шаклланиши ва ривожланиш жараёнида барча давлат ва жамоат ташкилотларининг мафкуравий фаолиятини уйғунлаштирувчи омил бўлиб хизмат қилади. Сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, ижодий маданий-маърифий муассасалар фаолиятини жонлантириш, уларнинг имкониятларидан миллий ғояни юртдошларимиз қалби ва онига сангдириш борасида имкон қадар кенг фойдаланиш жамиятнинг ана шу бош мақсадини англаш заруратидан келиб чиқади. Бунда уларнинг оммавийлигига, одамларга тез ва кенг доирада таъсир қурсата олиш имкониятига катта аҳамият берилган.

Бир сўз билан айтганда, миллий ғояни табиқ этиш жамиятимизнинг асосий мақсадлари – Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, қомил инсонни тарбиялаш каби олийжаноб ғояларга бўйсундирилиши зарур.

Жамият ҳаётини демократиялаштириш жараёни янада чуқурлаштириш миллий ғоянинг амал қилиш тамойилларидан биридир. Мамлакатимизда демократик институтлар фаолиятини йулга қуйиш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш ўзок муддатли жараёндир. Демократия ғояларини шунчаки баён қилиш, юқоридан тушириб жорий этиш билан одамлар онига ўзгариш қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам И. А. Қаримов бу хусусда тухталиб шундай деган эди. «Демократия жамиятнинг

кадриятига, хар бир инсоннинг бойлигига айланмоги керак. Бу эса бир зумда буладиган иш эмас. Халкнинг маданиятидан жой ололмаган демократия турмуш тарзининг тарғибий кисми ҳам була олмайди. Бу тайёргарлик куриш ва демократия тамойилларини ўзлаштиришдан иборат анча ўзок муддатли жараёндир»¹³.

Аммо бу йулни имкон кадар киска муддатда басиб утиш, демократияни жамиятнинг устивор кадриятига, унинг баркарор тараққиёти таъминловчи муҳим омилга айлантириш, бир томондан жахон халқлари демократик анъаналарини пухта урганиш ва ўзлаштиришни, иккинчи томондан, аждодларимизнинг адолатли жамият барпо этиш борасидаги карашларини бугунги кунга мослаштириб, миллий кадриятларимиз заминида жорий этишни такозо этади.

Бошкача айтганда, хар бир жамият, давлат ўзи учун мос демократик тараққиёт йулини танлаб олди.

Маълумки, собик шуролар даврида шарк халқларига жумладан бизга нисбатан К. Маркснинг «Осиёча ишлаб чиқариш услуби» деб аталган назариясига таяниб иш куринади деган караш хукмрон эди. Бу назариянинг моҳияти Шаркда хокимиятни бошқариш азалдан деспотизмга, яъни зуравонликка асосланади, деган фикрдан иборат эди. Евроцентристик карашлар (Гегель), Европани жугрофий жихатдан устун куйиш (Монтаскы), капитализмнинг тарихан айнан Европада пайдо булиши тугрисидаги тасаввурларнинг (Макс Вебер) барчаси осиеча турмуш тарзи учун демократия мутлако ёш нарсаси, деган беписанд фикрга асосланиш оқибати эди. Бугунги кунда Шаркнинг ҳам ўзига хос давлатчилик анъаналари, бошқарув тизими, идора усуллари, хокимият тармоклари булгани, бу борада у Ғарбдан сира кам эмаслиги барчага аён бўлиб колди.

Хусусан, шаркона демократиянинг катор устивор жихатлари мавжуд. Буғоявий-фалсафий асосда шаклланган инсонпарварликдир. Масалан,

¹³Миллий ғоя ва рахбар масъулияти. –Т.:2007-йил, 292-бет.

бизнинг Фаробий, Амир Темур, Низомил-мулк, Алишер Навоий, Хота Самандар Термизий каби аجدодларимизнинг сиёсий карашлари турли даврларда ўзига хос сиёсий маданият шаклланган. Шарк сиёсий фалсафасининг муҳим жихатларидан бири-«муъёр» тушунчасига катта аҳамият берилишидир. Аслида демократия-меъёрга асосланган сиёсий маданиятдир. Бу меъёр ҳуқук ва бурч, эркинлик ва тенглик, уртасида булган мувозанатни ҳам англатади.

Шаркда одамларнинг ҳокимият ва сиёсий муносабатларга булган муносабати азалдан ўзига хос хусусият касб этган. Бу Шаркдаги сиёсий муносабатларнинг нозик жихатлари билан изоҳланади. Сайлов тизими, давлатчилик, сиёсий ҳаракатлар, жамоатчилик фикри, оммавий ахборот воситалари-буларнинг барчаси Шаркда ўз хусусиятларига эга. Аввало, бу хусусиятлар ҳокимиятга булган анъанавий ишонч ва баъзан эса патернализм (ҳокимиятнинг меҳнаткашлар манфаатига қисман ёнбериши) қонунияти билан ифодаланади. Тарихан Шарк мамлакатларида сиёсий қарорлар қабул қилишда уларни амаоша ошириш маъсул кишилар орқали, лекин бунда халқнинг манфаатлари албатта ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилган. Улар халқнинг «иштирокида», яъни турли митинг, инкилоблар орқали эришилган, аммо унинг манфаатларини ҳисобга олмаган ҳолда қабул қилинган қарорлардан қура купрок самара берган. Шу туфайли Шарк мамлакатларида аксарият ҳукмдорлар мудом «Халқ нима дер экан», «Мендан қандай ном улар экан?» деган масъулият билан сиёсат олиб борган.

Шаркда сиёсий жараён иштирокчилари, айниқса, сиёсий етакчиларнинг ўзига хос мақоми бор. Сиёсий раҳбар нафақат ўзига тегишли Алоҳида имтиёзларга, балки Алоҳида масъулиятга ҳам эга. У нафақат ўз ҳуқуқлари, балки мажбуриятлари бўйича ҳам асосий оғирликни ўз зиммасига олган. Шу маънода Шарк халқлари ҳаётида адолат бош мезонга айланганки, одил ва доно шох, ҳукмдор ғояси «Авесто»дан ҳозирги кунгача орзу бўлиб келган.

Шунинг учун Амир Темур фаолиятида «Куч-адолатда деган коида устивор булган. Шу тарика Шарк мутафаккирлари давлатни, аввало, жамият тараккиётидаги иккки муҳим омил-ижтимоий баркарорликни таъминлаш ва ижтимоий адолат мезонларини амалга ошириш курули деб тушунган. Шунинг ҳам Алоҳида таъкидлаш зарурки, Шаркда конунчилик ва меъёрий тизимлар ҳам анна шу мақсадларга хизмат килган. Бундай анъана Соҳибкирон Амир Темур давридаёқ бутун дунё меъёрий тизими ва конституциячилигига кучли таъсир курсатган. Амир Темур «Тўзуклар»и бунинг яккол далили.

Яна бир масала Алоҳида эътибор бериш зарур. Шарк халқлари ҳаётида жамоатчилик фикри азалдан юкори маком ва мартабага эга бўлиб келган. Купгина анъанавий ижтимоий институилар, хусусан маҳалла ва бошқа ўзини ўзи идора қилиш ташкилотлари асосан жамоатчилик фикрига таянган. Шундан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий салмоқли фикрларни жамоатчилик муҳокамасига олиб чиқиш ҳам анъанавий йиғилиш жойларида-маҳалла, гўзарлар, чойхоналар, қарвонсаройлар, туй-маъракалар, тантаналар, хашарлар, ҳатто меҳмондорчиликда ҳам амалга ошган. Шу билан бирга жамоатчилик фикри ҳар доим давлат қарорлари қабул қилишнинг муҳим таркибий қисми бўлиб келган. Ҳукмдорлар ўз фаолиятининг жамоат фикри томонидан қўллаб-қувватланишига эришишга уринган, қарор қабул қилишдан олдин уни жамоатчилик ризосидан утқазिशга эътибор берилган.

Хуллас, шуларнинг барчасидан келиб чиқадиган булсак, Шарк халқларига, хусусан, бизнинг мамлакатимиз аҳолисида азалдан ўзига ҳос демократик анъаналар мавжуд булган. Ўз менталитети, моҳиятига қура, умуминсоний қадриятларга нисбатан ута ҳайрихоҳлик тафайли халқимиз замонавий демократик қадриятларни ҳам тез ўзлаштириб олиши шубҳасиз. Бу албатта, халқимизнинг тарихий-ижтимоий анъаналаридаги демократик ғоялар, тажрибалар хусусан, жамоа демократияси намуналари билан ҳам боглик.

Умуман, демократия кадимдан дунёнинг турли минтакаларида турлича йуналишда ривожланиб борган. Унинг муҳим бир шакли эса айнан шарқона демократияди. Демократия ғояларнинг давлатлашган қуриниши ҳам қадимий тарихга эга. Масалан, XIII асрда Самарқандда ҳукмронлик қилган сарбадорлар давлатида демократиянинг қилган сарбадорлар давлатида демократиянинг қўлгана унсурларини учратиш мумкин.

Тарихий демократиянинг иккинчи йуналиши жараёнли-сиёсий демократиядир. Унинг ҷамият сиёсий тизимини халққа яқинлаштириш, сиёсий адолатсизликларнинг олдини олиш борасидаги аҳамиятини таъкидлаб ўтиш зарур.

Ижтимоий демократия эса учинчи бир тарихий йуналишдир. Бугунги давр демократияни ислохотлар жароёнига айлантирди. Шу даврдан бошлаб, демократия кенг ижтимоий ҳодиса тасини олди.

Демак, демократия асли тарихий жараёнда вужудга келган бўлиб, у инсон фаолиятининг турли ҷихатларига нисбатан татбиқ этилади. Шу маънода турлича моделларда намоён бўлади. Буни ўз даврининг илғор мутафаккирлари ҳам теран англаганлар, улар демократия учун зарур бўлган шарт-шароит, яъни мустиқил миллий таракқиёт заруратини Алоҳида таъкидлаганлар. Хусусан, Заки Валидий Тугон бу ҳақда шундай деб ёзган эди: «Демократиянинг бирдан-бир, ягона рецепти йук. Унинг мақсади миллиятларга ва ҷамиятларга ўз ихтиёрларига мувофиқ ҳаёт кечириш имкониятини беришдир. Демократия турли миллиятда турлича бўлиши мумкин. Лекин унинг асосий бир шarti бор: миллият ва ҷамият орасидаги масъулиятга шериклашиб, шунга мувофиқ равишда иш қонунларига бўйсиниш керак бўлади. Инғлизларда, Америкада, Швецияда, Норвегияда иш шу тарзда тўзилган. Россияда эса бу йук. 1919-йилда яхшигина демократик партиялар вужудга келди, аммо большевикларпартияси тепага чиқдию, бутун бошли партияларни йук қилди ва тарихда мисли қурилмаган мустиқиллик

тўзумини урнатди. Давлат ишида масъулият хиссининг умумийлиги халкнинг маданий камолотига боглик тарбия ваодат масаласи ҳамдир»¹.

Бугунги шаркона демократияда кадр, окибат, андиша, катталарга хурмат, она заминни ардоклаш борасида ўзига хослик яккол намоён булади. Булар эса миллий ғоя амал килишида нихоятда муҳим касб этади.

Жамият ҳаётини эркинлаштириш миллий ғояни халкимиз калби ва онгига сингдиришнинг муҳим шартидир. Миллий ғоя сиёсий воқеликни уйғунлаштириб, тарли шахслар, ижтимоий гуруҳлар эҳтиёжларини мутаносиблаштиради, уларни мавжуд имкониятлар асосида бир-бири билар якинлаштиради ва шу маънода, демократик кадриятларнинг нуфўзини оширади. Кишилар онгини маҳаллийчилик уруг-аймоқчилик, маҳдудлик каби ижтимоий иллатлар асоратидан поклаш, ёт ғояларга нисбатан мафкуравий иммунитетни шакллантириш, мафкуравий курашда тугри йул танлаш ва жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш миллий ғоянинг халкимизнинг калби ва онгига теран сингдирилиши билан боглик. Миллий ғояни амалга ошириш «кучли давлатдан-кучли жамият сари» концепциясига асосланади ва ундан келиб чиқиб, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштиришда манфаатлар уйғунлигини таъминловчи омил бўлиб хизмат қилади.

Миллий истиқлол мафкураси шахс эркинлиги ғоясига таянади. Ўз халк-хукукини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндошадиган, Айни пайтда, шахсий мафаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда курадиган инсонгина миллий ғоя тамойилларини тугри баҳолай олади. Эркинлаштириш жараёнида инсон ҳақ-хуқуқларини таъминлаш, гуманизм ва умуминсоний кадриятларга риоя этиб яшаш жамиятимиз ҳаётининг асосий мезонига айланиб бормоқда. Жамиятда лоқайдлик, бепарволик, боқимандалик, порахўрлик каби иллатларнинг пайини қирқиш, одамлар калбида юксак ишонч ва эътиқодни қарор топтириш, ахлоқан пок, маънавий

бой, ижтимоий фаол, жисмонан бақувват авлодни вояга етказиш, уларда ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, одамийлик каби олижаноб фазилатларни тарбиялаш миллий ғоя таъсирчанлигини оширибгина қолмай, демократик жамият барпо этиш борасидаги интилишларимиз самарадорлигини ҳам оширади. Шу ўринда эркинлик категориясининг ижобий ва салбий жиҳатларга эга эканини ҳам таъкидлаш зарур. Унинг ижобий жиҳати шахснинг ўз манфаатларига мувофиқ равишда ҳаракат қилиш имкониятини ифодалайди. Бунда шахс бирор бир моддий ва маънавий неъматга интилиб, шу йўлда зарур ҳаракатлар қилиш мумкинки бу хатти-ҳаракатлар бошқаларнинг интилиш ва манфатларига зид келмаслиги керакю Чунки адолат чегараси, эркинликлар меъёри айнан шу асосда шаклланади.

Шахс эркинлигини таъминлашда сиёсий ва ҳуқуқий институтларнинг демократик асосдаги тизимини шакллантириш муҳимдир. Шу билан бирга бунда хусусий тадбиркорлик фаолияти, бозор муносабатлари жараёнида шахснинг ижтимоий фаоллиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. Фикримизча, Ўзбекистон Конституциясида инсон эркинлиги ўзининг тўғри, мақбул талқинини топган, яъни унда эркинлик бошқаларга зарар келтирмайдиган фаолият сифатида баҳоланган. Зеро, жамият ва давлат, ижтимоий тузум ва сиёсий институтлар ўртасидаги муносабат индивид, ижтимоий бирликлар ва гуруҳлар ўртасидаги муносабатларга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлиб, уларнинг барчаси миллий ғоя тамойиллари асосида уйғунлаштиришни талаб этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда ҳокимият ва бошқарув идоралари фаолияти самарадорлиги оширилмоқда, жамоат ташкилотларининг янги қиёфаси шаклланмоқда, таъбир жоиз бўлса, сиёсий тизим модернизацияси юз бермоқда. Бу жараёнга миллий ғоя тамойилларини узвий тарзда сингдириб бориш ва уларни демократик институтлар фаолиятининг таркибий қисмига айлантириш муҳим аҳамият касб этади.

Миллий ғоянинг амал қилиш тамойиллари аввало, келажаги буюк давлатни барпо этиш билан боғлиқ, Бунда ана шу яратилажак янги жамият,

демократия, ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтишнинг зарурати кабилар ниҳоятда муҳим ўрин тутди. Ана шу нуқтаи назардан олганда, янги ижтимоий муносабатларнинг қарор топиши, ислоҳатларнинг одамлар манфаатларига мувофиқлиги, комил инсонни вояга етказиш вазифалари бу борадаги ўзгаришларнинг таркибий қисмини ташкил этади.

Миллий ғоянинг амал қилиш тамойиллари фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат барпо этиш, ҳаётнинг барча жабҳаларида олиб борилаётган фаол меҳнат билан мустақилликни мустаҳкамлашга қаратилгандир. Ҳозирги даврда хилма-хил мулкчилик шакллари ва мулк эгасининг қарор топиши, Ватан ва мустақиллик, жамият ва миллат муносабатларининг яхлитлиги, мамлакатимизнинг халқаро нуфузи ва тинчликсевар алоқаларининг ўсиб бориши, осойишталик, миллий тотувлик, ҳамжиҳатликка хизмат қилувчи ғоялар ҳам ана шу тамойилларнинг ўзлигини тўла намоён қилишга хизмат қилади. Уларнинг ҳаётийлиги халқ иродасига, руҳиятига, миллий туёғулари, орзу-интилишларига мослиги билан белгиланади. Шунингдек, барпо этилажак янги жамият ва унга боришнинг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, маърифий йўл-йўриқлари миллий ғоянинг тамойилларига таяниш орқали самарали амалга ошиш имконига эга бўлади.

Миллий ғоянинг амалиёти жамият ва Ватан манфаатлари, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги тамойилларидан ажралган ҳолда зоҳир бўлмайди. Бу жараён мамлакатимизда кечаётган ислоҳатлар жараёни, инсонпарвар ҳуқуқий демократик давлат яратиш, замонавий улкан қурилишлар, юртимиз халқаро нуфузининг ўсиб бориши, маънавий-маърифий соҳада юз бераётган янгиланишлар, умуман, давлатимизнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ҳаётидаги ижобий ўзгаришлар тўғрисида халқимизда тасаввур ва тушунчаларни ҳосил қилиб бориш лозимлигини кўрсатади. Фуқароларни миллий ғоя тамойиллари асосида яшаш ва фаолият юритишга ўргатишда турли жамоат, ижодий,

илмий ташкилотлар, институтлар, сиёсий партия ва ҳаракатлар, жамғармаларнинг ўрни ва аҳамияти катта. Бу борада давлат органлари, оммавий ахборот воситаларининг ташаббускорлик ҳам алоҳида аҳамиятга моликдир.

Бунда ушбу тамойилларнинг халқимиз хоҳиш-иродаси, миллий манфаатларига мувофиқлиги, ҳар бир кишида Ватанга содиқлик ва миллий ғурур туйғусини ўстиришга йўналтирилганлиги, ҳар бир фуқаронинг амалий фаолияти, турмуш тарзи, табиатидан келиб чиқиш жуда катта аҳамият касб этади. Мазкур соҳада биринчи навбатдаги вазифа-одамлар руҳиятида, тафаккурида покланиш, янгиланиш учун шарт-шароитлар яратиш билан бирга Ўзбекистон жамиятининг озод ва обод Ватан барпо этиш билан боғлиқ мақсад ва ғояларини амалга ошириш йўлида хизмат қилишдир. Бу мақсад ва ғоялар бутун халқимизнинг умумий манфаатларини акс эттиради.

Айни пайтда, миллий ғоянинг амалий тамойиллари жамиятдаги барча қатлам ва ижтимоий кучларнинг фаолияти, мақсад ва интилишларига маънавий йўналиш беради. Шу тарзда миллий ғоя жамиятдаги турли ижтимоий қатламларнинг манфаатлари ва эҳтиёжларига хизмат қилади, уларни амалга ошириш имконини яратади.

Миллий ғоянинг амал қилиш тамойиллари шахснинг эркинлиги, сиёсий ва ҳуқуқий имтиёзларни қўллаб-қувватлаши, савоб ва жамият учун фойдали ишларда инсоннинг фаоллигини ошириш, умум-инсоний меъёрларнинг бойитилиши, кишиларда янгича муносабатлар қарор топиши учун кураш олиб боришни ҳам англатади. Бундан кузатилган асосий сақсад демократик ўзгаришлар ҳаётимизнинг муҳим йўналишига айланган ҳозирги даврда миллий истиқлол руҳида фикрловчи, ўз фаолиятида бунга амал қилувчи комил инсонларни вояга етказишдан иборат.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, истиқлол маънавияти соғлом, баркамол авлодни вояга етказиш ҳақидаги орзуларнинг рўёбга чиқиши учун шарт-шароит яратади. Зеро, ҳақиқий фаровон жамиятнинг аъзолари ҳам етқа

маънавият соҳиби бўлиши шарт. Чунки ўзлигини англаган инсон, ўзгалар, миллат, жамият, Ватан олдидаги бурчи ва масъулиятини ҳам англайди. Унинг қалби, тафаккури ва руҳиятида бундай улугвор фазилатлар осон ва самарали камол топади. Маънавий етук, руҳи соғлом инсоннинг жисмоний меҳнати, турмуш тарзи, орзу-интилишлари эзгулик томон йўналган бўлади.

Мустақиллик йилларида одамларни ғоявий тарбиялаш ва жамият маънавиятини юксалтириш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Фуқароларимизнинг ўзлигини англаш, кадр- қиммат, иёмон-этиқод, она-Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат миллий қадриятларга ҳурмат-этибор туйғуларини ўстириб бориш йўлида ҳаракатлар ўзининг самарасини бера бошлади. Одамларнинг руҳияти, дунёқараши, ижтимоий ҳаётга муносабати, амалий фаолияти туб ўзгаришлар юз бермоқда, уларнинг тафаккури уйғонмоқда.

Бугунги кунда миллий ғояни ҳар бир инсон, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига сингдириш учун интилиш ҳаёт тақозосига айланди. Шу билан бирга мафкура соҳасида янада самарали ва изчил иш олиб бориш, мафкуравий тарғиботни такомиллаштириш, ушбу соҳа ходимлари малакасини ошириш, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш бўйича амалий семинарлар, анжуманлар, мулоқотлар ташкил этиш зарурияти ортиб бормоқда, Шу ўринда қабул қилинаётган Фармонлар, Қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг асл моҳиятини, уларда баён қилинган ғояларни кенг халқ оммаси онгига етказишнинг бениҳая долзарблигини таъкидлаш лозим. Чунки ҳуқуқий жамият ва юксак маърифатли, эзгу ғоялар инсон тушунчалари бир-биридан ажралмасдир. Маданий бозорни ҳам, маънавий соғлом жамиятни ҳам ана шундай кишиларгина ярата оладилар. Уларни вояга етказмай туриб, миллий ғоя тамойилларининг амалга ошганлиги тўғрисида фикр юритиш қийин.

Миллий ғоянинг амал қилиш тамойиллари мамлакатимизда яшайдиган кишиларнинг тинч-тотувлиги, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорликнинг қадрига етиши, жамиятимиз ҳаёт тарзига хавф солиши

мумкин бўлган таҳдидларга қарши сиёсий, ҳуқуқий ҳушёрлиги билан узвий боғлиқ. Чунки ҳозирги даврда тарбияланаётган ва келажакда мамлакатимиз учун масъул бўлган кишилар ана шундай жараёнларнинг меваси эканлигига асло шубҳа йўқ.

Бугунги таҳликали дунёда ҳар бир инсоннинг ўз ҳаётини тўғри ташкил этиши, шахсий манфаат ва интилишларини халқ ҳамда Ватаннинг пировард мақсадлари билан уйғонлаштира олиши миллий ғоя тамойиллари амалиётининг энг муҳим кўрсаткичидир. Ана шундай кишиларни тарбиялаш ва вояга етказиш ҳар биримизнинг зиммамизга улкан масъулият юклайди.

2.2. Миллий ғоянинг умумбашарий тамойиллари

Миллий ғоянинг маъно-мазмунини ва унинг миллий ҳаётидаги ўрнини мукаммал тушуниб етиш учун энг аввало, унинг замин бўладиган назарий ва амалий негизи аниқлаб олиш муҳим аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан, миллий ғоянинг тарихий фалсафий илдизлари унинг тамойиллари ҳам бири-бири билан узвий боғлиқдир. Уларнинг узвий боғлиқлиги негизида умуминсоний қадриятлар устуворлиги ётади. Демак, унинг асосий тамойилларидан бири инсонпарварлик ғояси билан боғлиқдир. Дарҳақиқат бугунги кунда бу сўзни жуда кўп ишлатамиз. Шу ўринда нега инсонпарварлик миллий ғоянинг асосий тамойилларидан бири бўлиб қолмоқда, деган савол туғилади. Бунинг биринчи сабаби мустақиллик туфайли инсонпарвар ва демократик жамият барпо этиш имконияти пайдо бўлди. Ана шу имкониятни воқеликка айлантиришда иккита муҳим масалани ҳал этиш зарурати вужудга келади.

Улардан биринчиси-одамларидан, унинг ғайриинсоний ғояларидан, шунингдек, якка мафкурачилик тамойилларидан тозалашдир. Бунга эришишнинг бир қатор йўналишлари мавжуд. Энг муҳими, янги жамиятда инсоннинг туб манфаатларига мос ижтимоий муносабатларни шакллантиришдан иборатдир. Бунда миллий ғоянинг инсонпарварлик ва демократик тамойиллари инсон ва жамият манфаатлари манфаатлари уйғунлигини белгилаб берувчи таянч нуқта ва жипслаштирувчи куч ҳисобланади.

Иккинчи сабаб-инсонпарварлик тамойилида умумбашарий тамойиллар билан бир қаторда миллий тафаккур, руҳияти ва фикрлаш тарзи, қарашлар хилма-хиллиги ўзаро уйғунлаштирилади. Бу жараён мамлакатимиз тараққиётида барқарорлик, хавфсизлик масалалари билан ҳамжиҳатликда тутушган ҳолда намоён бўлади.

Миллий ғоянинг умумбашарий тамойиллари ҳақида фикр юритганда мустақиллик йилларида инсонпарварлик масаласининг устувор йўналишига

эса бўлаётганлиги тасодифий ҳол эмас: Маълумки, инсонпарварлик ҳақида жуда кўплаб Шарқ ва Ғарб мутаффаққирлари ўз фикрларини баён этишган масалан, қадимги Хитойда илк инсонпарварлик ғоясининг ижтимоий фикрлари Конфуций (Э.О.511-479 йй.) таълимотида қадимги Марказий Осиёда “Авнсто” китобида, буддизм динида, Христианлик динининг ажр ғоясида, яъни жафокашлар ва бечораларга илоҳий салтанатда бахт ва озодлик беришни ваъда қилганлиги, ислом динида етти ақидада ўз ифодасини топган. Шунингдек, халқаро ҳуқуқдаги “Инсонпарварлик ҳуқуқий атамаси ҳам мавжудки, ушбу атама биринчи марта қуролли можаро юзага келган ҳолатда маданий қадриятларни ҳимоя қилиш тўғрисида конвенцияда ишлатилган эди.¹⁴

Миллат тақдириги дахлдор бўлган ғоялар энг аввало, миллий замин билан боғлиқ бўлади. Унга таянмаган, ундан баҳра олмайдиган ёки ундан узилиб қоладиган ғоялар миллат манфаатларига ҳам хизмат қила олмайди.

Бу жараёнда икки муҳим қонуният амал қилади.

Биринчи қонуният миллатнинг ўзига хос хусусиятлар ва менталитетга эга эканлиги. Улар миллат тараққиёти ва истиқболи учун асосий манба ҳисобланади. Ўз негизлари асосида ривожланиш йўлида бормайдиган миллий истиқлолда, ўзлигини йўқотади. Уни ҳисобга олиш амал қилишини миллатнинг ўз негизларига таяниб ривожланиш қонунияти-деб айтиш мумкин бўлади.

Иккинчи қонуният ҳар қандай жараёнда бўлгани каби миллий ривожланишда ҳам ворислик қонуни амал қилади. Унинг мазмуни шундаки, барча жараёнлар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, балки улар шу йўналишда мавжуд бўлган олдинчилари билан боғлиқ бўлади. Унинг негизида юзага келади, ундан кейинги тараққиёт учун хизмат қилиши мумкин бўлган элементларни қабул қилиш асосида, янгиси шакллана бошлайди. Бу жараён ворислик қонуни ҳисобланади.

¹⁴ Қаранг. Гаага- 1954 йил 14 май. Матн: Сборник договоров ООН. 249-том.

У миллатнинг ўз негизига асосланиб ривожланиши шарт бўлгани учунгина эмас, балки барча жараёнлар учун ҳам амал қилади. Бу ворисийлик қонуниятининг характерли хусусиятидир.

Унинг миллий тараффиёт учун аҳамияти шундаки, у миллатнинг шз негизлари асосида ривожланиши учун имкониятлар салмоғининг мустаҳкам бўлишига хизмат қилади.

Миллий ғоя шаклланишида ана шу икки қонуниятнинг уйғунлиги асосий ҳисобланади.

Албатта, миллий ғоя негизлари фақат миллатнинг тор доирадаги заминлари билан чекланмайди. Шунинг билан бир қаторда, умумбашариёт эришган илғор ютуқларга ҳам таянади.

Шунинг учун ҳам Президент И.А.Каримов мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин ижтимоий ривожланишнинг қуйидаги тўртта асосий негизини белгилаб берган эди. Булар:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиш;
- ватанпарварлик¹⁵ кабилардир.

Кўриниб турибдик, уларда миллий ғоя тамойиллари умуминсоний қадриятлар билан ўзаро уйғунлашиб кетган.

Ана шу негизлар асосида миллий ғоямизнинг асосий тамойиллари шаклланади. Хўш, бу принцип нима? Тамойил биро бир таълимот, дунёқараши ёки фаолиятининг қатъий амал қиладиган қондаси ва меъёрини англатувчи тушунча ҳисобланади.

Шу маънода ҳам миллий ғоянинг ўзига хос тамойиллари мавжуд бўлиб, улар асосида миллий ривожланишнинг долзарб вазифалари амалга оширилмоқда.

¹⁵ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 1996, 76-бет.

Миллий ғоя асосий таъмойилларининг қуйидагилар ташкил қилади.

- миллий онг, миллий тафаккурнинг ва миллий ўзликни шакллантиришга йўналтирилганлиги;
- миллатни бирлаштиришга қаратилганлиги;
- миллат манфаатини ифодалаши;
- илҳор миллий урф одатлар, анъаналар ва қадриятларнинг мустаҳкамланиши ва ривожланишига асос бўлиши;
- миллий ғурур, ифтихор ва масъулиятнинг шаклланиши ва мустаҳкамланишига замин бўлиши;
- кўп миллатли мамлакатимиз аҳолисида ягона Ватан руҳиятининг шаклланишига асос бўлиши;
- миллий мерос, тарихий хотирани асраш, ўзлаштириш ва кейинги авлодга етказишнинг маънавий-руҳий манбаси бўлиши;
- ёшларимизда Ватанпарварлик, миллатпарварлик, халқпарварлик ва умуминсонийлик маънавий, руҳий салоҳиятини шакллантиришга қаратилганлиги
- миллатимизнинг мустақил субъект сифатида мақомини акс эттириш;
- миллатимизнинг озодлиги, мустақиллиги ва тараққиётига маънавий-руҳий таянч бўлиши;
- миллатимизнинг ўзи билан ёнма-ён яшаётган миллат ва элат вакиллари ўз атрофига уюштириш, улар билан тинч-тотув яшаш, уларга ҳурмат, эҳтиром билан қараш, ёрдам кўрсатиш, ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва улар асосида ягона ўзбекистон халқи туйғуларининг шаклланишига манба бўлиши;
- миллатимизнинг замонавий цивилизацияларига муносиб ҳисса қўшишга маънавий-руҳий куч-қудрат ва илҳом бағишлаши;
- Ўзбекистон халқида миллий хавфсизлик ва миллий тараққиёт руҳиятини шакллантириш ва мустаҳкамлашнинг назарий асоси бўлиш;
- комил инсон ғоясининг ўзида акс эттириш кабиларни ташкил қилади.

Миллий ғоя миллий онг ва тафаккур маҳсули ҳисобланади. Уларнинг ривожланиши натижасида миллий ўзликни англаш юзага келади. Миллий тафаккур миллат ҳаёт тарзи, хусусиятлари ва фаолияти, унинг мақсадлари ва манфаатлари негизларининг миллий онгда намоён бўлишидир.

Миллий онг миллатнинг ўзига хослиги асосида ривожланиб боришидан кўрсаткичи бўлса, миллий ўз-ўзини англаш манфаатлари ҳимоя қилишда ҳаракатга келтирувчи ички маънавий-руҳий салоҳиятидир¹⁶.

Аслида, миллий онг, миллий тафаккур ва миллий ўзликни англашдан иборат бўлган учликка амал қилмаган, уни ўзида акс эттирмаган ёхуд уни ривожлантиришга ва мустаҳкамланишга йўналмаган ғоя ўзига миллий ғоя мақомини ҳам олаолмайди. Чунки, ана шу учликнинг миллат мавжудлигининг ҳам реал ифодаси ҳисобланади. Миллий ғоя миллий онг ва миллий тафаккурнинг олий кўринишини, унинг реалликка айланишини белгиси ҳисобланади. Уларнинг ўзаро таъсири натижасидагина миллий ўзликни англаш омили шаклланади ва миллатнинг “мен”и юзага келади. Миллат ўз-ўзидан шаклланмайди, балки у жамият тарихий тараққиётининг мевасидир. Унинг тўлақонли миллат мақомига етиши учун ҳар бир этник бирлик, миллий тилнинг, маданият, урф-одат, анъаналар, қадриятлардаги ўзига хослигига яъни, миллий ўзлигини англаш лозим¹⁷.

Ана шу ўзига хослик орқали миллий ғоя намоён бўлади. Миллий ғоя ўзига хосликни мустаҳкамлайди ва унинг миллат вакиллари дунёқарашига айланишида асосий омил бўлиб хизмат қилади. Бу жараён ўз навбатида, миллий тотувлик; ҳамжиҳатликнинг вужудга келишига олиб келади.

Шу маънода унинг энг муҳим таъмиойили миллатни бирлаштиришга қаратилганлиги ҳисобланади.

¹⁶ Отамуротов С. Отамуродов С.С. Ўзбекистон маънавий-руҳий тикланиш. –Т.: Янги аср авлоди, 2003, 27-бет

¹⁷ Отамуротов С. Отамуродов С.С. Ўзбекистон маънавий-руҳий тикланиш. –Т.: Янги аср авлоди, 2003, 163.-бет

Миллий манфаатлар миллий ҳояда мустаҳкам ифодаланган бўлсагина миллий ҳамжиҳатлик мустаҳкам бўлади. Шу маънода ҳам миллий ғоянинг қудрати миллий манфаатларни тўлақонли ифодалаши билан белгиланади.

Миллий ғоянинг яна бир тамойили, унинг миллий урф- одат, анъана ва қадриятларни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришига асос бўлиши ҳисобланади. Улар миллатнинг ўзига хослигини энг юксак даражада ифода этади. Унинг мустаҳкамланиши ва ривожланиши миллий ғоя боғлиқ бўлади.

Миллий ғурур, ифтихор ва масъулият каби туйғуларнинг шаклланиши ва ривожланиши ҳам миллий ғояга боғлиқ бўлади.

Миллий ғурур ҳар бир инсоннинг миллат вакили сифатида ўз-ўзини англаши натижасида содир бўладиган ички руҳий ҳолат ҳисобланади. Бу туйғу ўз она замини, авлод аجدодларни томонидан қолдирилган моддий, маънавий меросдан, ўз миллатининг жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссасидан, ўз Ватанининг тараққиётида эришган ютуқларидан миллатининг ўзга миллатлар олдидаги кадр- қиммати, обрў-эътиборидан руҳининг кўтарилиш ҳиссиётидир.

Миллий ифтихор ҳар бир миллат вакилининг ўз миллатининг, тараққиётнинг барча йўналишларида эришган ютуқларидан фахрланиш, шодланиш кайфияти ҳисобланади.

Миллий масъулият эса ҳар бир миллат вакилининг ўз миллати бугунги, эртанги кун ва истиқболи учун ўзини дахлдор эканлигини ҳис қила билишдир.

Бу туйғулар негизида миллий ғоя туради. Унинг асосий вазифаси ҳам ана шу туйғуларни шаллантиришга йўналганлиги билан белгиланади. Чунки, улар ҳар бир миллатнинг тараққиётга эришиш ва юксалишида асосий омил бўлади.

Инсоният ақл заковати юксалиб бораётган, унинг олдида ечиш мураккаб бўлган глобал муаммолар кўлами кенгайиб бораётган бугунги кунда миллий ҳоя тор манфаатлар эмас, балки мамлакатда яшаётган барча

халқларнинг манфаатларини ифода этиб ягона Ватан туйғусини шакллантириш бу ҳар бир миллатга хос бўлган хусусиятларнинг барбод бўлишга эмас балки умумхалқ руҳиятининг шаклланишига олиб келади. Ягона Ватан руҳияти нафақат мамлакат номи билан аталувчи миллат вакилида, худди шунингдек, унда яшаётган ўзга миллат ва элат вакилларида ҳам ватанпарварлик, унга эгалик қилиш, унинг истиқболи олдида масъуллик каби ҳиссиётнинг шаклланишига олиб келади. Шунинг учун ҳам миллий ғоя бугунги кунда бир миллат доирасидан умумхалқ доирасига бўлган манфаатларни уйғунлаштиришга асос бўлмоқда.

Миллий мерос, тарихий хотирани асраш, ўзлаштириш ва уларни кейинги авлодга етказишда миллий ғоя маънавий руҳий манба ҳисобланади. У ана шу маънавий-руҳий салоҳиятдаги миллийликни “асраш”, уларга кучкуват бағишлаб туриш вазифасини амалга оширади. Шунинг билан бир қаторда, миллат вакиллари миллий-маънавий бойликлар билан озиқлантиради, уларда ўз меросини асраш ва уни кейинги авлодга етказиш руҳиятини ҳам шакллантиради.

Бу жараёнда миллий ғоя бир томондан миллий-маънавий бойликларни асраш омили бўлса, иккинчи томондан, миллат авлодларини ўзаро боҳлаб туриш вазифасини ҳам бажаради. Ундаги мавжуд миллийлик омили авлодларни ўзаро маънавий-руҳий жиҳатдан боҳлаб туради ва шу тариқа миллий мерос ва тарихий хотирага умрбоқийликнинг бахш этилишида миллий ғоя асосий омилдир.

Миллий ғоянинг миллий мерос ва тарихий хотиранинг асоси бўлиши нафақат миллий ўзига хосликни, шукнингдек, миллат вакилида юксак ирода, эътиқод каби фазилатларни шаклланишида манба ролини бажаради. И.А.Каримов таъкидлаганидек “Тарих хотираси бор инсон-иродали инсон... ким бўлишидан қатъий назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш ҳар хил ақидалар таъсирига олиш

мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни хушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди»¹⁸.

Мамлакат ёшларида ватанпарварлик, миллатпарварлик, халқпарварлик ва умуминсонийлик каби туйғуларни шакллантириш ҳам миллий ғоянинг муҳим тамойили ҳисобланади. Чунки бошқа ҳар қандай ғояларга қараганда ҳам унда ўзини англаган ҳар қандай ғояларга қараганда ҳам унда ўзини англаган ҳар қандай инсон қалби, юраги ва онгига таъсир этувчи нозик туйғулар мужассамлашган. Хусусан, инсон ўзини-ўзи англаб, мен кимман, менинг авлод-аждодларимиз ким, қайси миллат мансубман, менинг она заминим қаерда, - деган саволларни ўзига бериш ва унга жавоб топишни миллий ғоядан, унинг улкан негизларидан излайди. У саволларга бошқа биронта ғоя жавоб бера олмайди.

Миллий ғоянинг яна бир тамойили, бирининг иккинчисига ўхшамайдиган хусусиятларга эга эканлиги, ўзгаларнинг маънавий-руҳий ҳолатини айнан қабул қилолмаслиги билан боғлиқдир. Бир миллатнинг маънавий-руҳий салоҳияти шакл ва мазмун жиҳатдан иккинчисидан такрорланмаслиги уларнинг ҳар бирига ўзига хос индивидуаллик бахш этади. Ана шу индивидуаллик миллий ғояда ўз ифодасини топади. Бу ҳар бир миллатнинг мустақил субъект сифатидаги мақомини таъминлаб туради. Ўзига хос индивидуаллик миллий-маънавий тараққиёт гўзаллигини ифодалайди ва уларнинг илғор қирралари орқали умумбашарийликка дахлдор бўлган маънавий бойлик вужудга келади.

Миллий ғоянинг асосий тамойилларидан яна бири миллатнинг озодлиги, уни мустақиллигини таъминлашда маънавий-руҳий манба бўлишидир.

Миллатнинг мустақил бўлиши, унинг ўзи тақдирини ўзи ҳал қилиш имкониятига эга бўлишида миллий ғоя асосий манба бўлади. Чунки, у нафақат миллатга мустақил субъект мақомини бахш этади, шунинг билан

¹⁸ Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд.-Т.: Ўзбекистон, 1999, 137-бет.

бирга унинг мустақил тараққий қилишини зарурият ва эҳтиёжга айланишини ҳам таъминлайди.

Чинакам миллий тараққиёт ғоялар, ҳар доим ўзида адолат, тенглик, тинчлик ва демократия тамойилларини акс эттиради. Улар ҳар бир миллат учун энг зарур эҳтиёж ҳисобланади. Чунки, адолат бузилган жойда зиддият, тенгсизлик мавжуд бўлган шароитда ишончсизлик, тинчлик бўлмаган жойда парокандалик, демократия бўлмаган жойда инсоннинг эркин нафас олиши имкониятини юзага чиқариш мумкин бўлмайди.

Кўриниб турибдики, уларнинг ҳар бири миллатнинг истиқболи учун зарур бўлган омиллардир. Миллий ғоя шу маънода ҳам уларни ўзида мужассамлаштириши ҳамда миллий тараққиётнинг кўрсаткичларига айланишига хизмат қилиши зарур.

Улар ҳар қандай илғор миллий ғоянинг умумбашарийлик дахлдор бўлган қирралари ҳисобланади. Улардан маҳрум бўлган миллий ғоя чинакам умуммиллий ғоя даражасига кўтарила олмайди.

Миллий ғоя миллатнинг манфаатлари ва эҳтиёжларини умуминсоний тамойилларни ўзида уйғун ҳолда акс эттириши билан характерланади. У умуминсоний тамойилларга зид эмас, балки унинг негизида шаклланади. Яъни миллий ғоянинг тамойиллари умуминсоний тамойиллар негизида шаклланмайди, аксинча миллий тамойилларнинг илғор, барча халқлар манфаатлари ва эҳтиёжларига жавоб берадиган жиҳатлар ҳисобига умуминсоний тамойиллар шаклланади.

Ана шу хулосага мувофиқ миллий ғоянинг умуминсоний тамойилларини қуйидагилар ташкил қилади:

- миллий маҳдудлик, агрессив миллатчилик ва шовинизмдан холи бўлиш;
- уруш оловини ёқиш, ўзига миллатларга зулм ўтказишда холи бўлиш, мамлакатлараро барқарорликни вужудга келтириш воситасига айланмаслик;

- адолат, тенглик, тинчлик, бунёдкорлик ва демократия ғояларини ўзида ифода эттириш;
- инсониятга хавф солатган глобал муаммоларнинг таҳдидини кенг ташвиқот қилиш ва унга қарши курашда жаҳон халқлари бирлигини вужудга келтиришга хизмат қилиш;
- диний бағрикенглик ғояларини ўзида ифодалаш;
- инсон ҳақ-ҳуқуқлари, шахс эркинлиги ва ҳурфикрлигини ҳимоя қилиш;
- қонун устуворлигини, миллатлар ҳамжихатлигини ва сиёсий барқарорликни вужудга келтириш ва мустаҳкамлашга асос бўлиш;
- ҳар бир миллатнинг урф-одатлари, анъаналари ва қадриятларини ҳурмат қилиш, илғор тажрибаларини ўрганиш ва ўз миллати эришган ютуқларини уларга етказиш;
- вайронкор ва турли ғаразли ғояларга қарши кураш ва бунёдкор ғоялар ривожланишининг омили бўлиш кабилардир. Улар ўз мазмун ва моҳият жиҳатдан ҳар бир миллий ғоя учун хос бўлган умуминсоний тамойиллардир.

IV. Хулоса

Битирув малакавий ишида билдирилган фикрлардан келиб чиқиб қуйидаги хулосаларни билдириш мумкин:

Биринчидан, инсон, жамият, халқ, миллат ҳеч қачон, ҳеч қаерда миллий ғоясиз, миллий мафкурасиз мавжуд бўлаолмайди. Инсон эътиқод қиладиган, ишонадиган, дунёқарашига айлантираоладиган ғояга, мафкурага эҳтиёж сезади. Ўзбекистон шароитида бундай ғоя, мафкура-ўзбек миллий ғояси, миллий мафкураси ҳисобланади;

Иккинчидан, ғоялар, мафкуралар бунёдкор ва вайронкор ғоя ва мафкураларга бўлинади. Бунёдкор мафкуралар эзгу ниятлар билан суғорилган бўлса, вайронкор ғоя, мафкуралар тараққиёт тусиқ бўлади, оммавий нарозиликларни келтириб чиқаради;

Учинчидан, Миллий ғоя, миллий мафкуралар ўз моҳияти, шаклу шамойилига кўра хилма-хил бўлади. Ўзбекистон миллий ғояси, миллий мафкураси ҳам шундай миллий ғоя, миллий мафкуралардан биридир.

Тўртинчидан, миллий ғоя амал қилишига кўра миллий тамойилларга асосланади;

Бешинчидан, ўзбек миллий ғояси ўз ўрнида инсоният эришган ютуқлардан бири-умуминсоний тамойилларга ҳам таянади. Миллий ва умуминсоний тамойиллар миллий ғоянинг ҳаётбахшлигини таъминлайди.

Таклиф ва тавсиялар:

1. Ўзбекистон миллий ғояси, миллий мафкурасини халқимиз, айниқса, ёшлар онги ва қалбига сингдириш учун унинг нафақат назарий, балки амалий масалаларини ҳам таҳлил, тадқиқот қилишни кучайтириш лозим.

2. Оммавий ахборот воситаларидан вақти-вақти билан эмас, балки мунтазам равишда миллий ғояни тарғибот ва ташвиқот билан шуғулланиши лозим.

3. Миллий ғоя тарғиботи-ташвиқоти билан шуғулланаётган кадрларнинг малака оширишини ҳам яхшилаш лозим.

4. Миллий ғоя, миллий мафкура ҳақида нашр қилинаётган адабиётларда, миллий ғоямизнинг тарихий шакллариغا, алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

5. Миллий ғоя, миллий мафкуранинг аҳоли эътиқоди, дунёқарашига айлантириш маънавий-маърифий ишларнинг муҳим вазифасига айланиши лозим.

Хулоса ва тақлифлар: 1. Инсон, жамият, халқ, миллат ҳеч қачон, ҳеч каерда мафкурасиз булаолмайди. Инсон этикод қиладиган, ишонадиган, дунёқарашига айлантираоладиган мафкурага эҳтиёж сезади. Ўзбекистон шароитида бундай мафкура-ўзбек миллий мафкурасидир.

2. Мафкуралар бунёдкор ва вайронкор мафкураларга булинади. Бунёдкор мафкуралар эзгу ниятлар билан сугорилган бўлса, вайронкор мафкуралар тараккиётга тусик бўлади, оммавий нарозиликларни келтириб чикаради.

3. Миллий мафкуралар ўз моҳияти, шакли тамойилига кура хилма-хил бўлади. Ўзбекистон миллий мафкураси шундай мафкуралардан биридир.

4. Миллий мафкуранинг методологик муаммоларидан бири-миллий ғоя билан тарихий хотира уртасидаги муносабат ташкил қилади. Тарихий хотирасиз келажак бўлмайди.

5. Миллий мафкура, миллий ғоянинг ривожланишида маънавий-тарихий мерос алоҳида уринга эгадир. Чунки тараккиёт жараёнини аждоқларимиз яратган маънавий-тарихий меросиз тасаввур қилиш қийин.

6. Миллий мафкура, миллий ғоянинг ҳаётбахшлигини таъминлашда миллий кадриятлар, тамойиллар билан бир қаторда, умуминсоний кадриятлар ва тамойиллар ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. Чунки, биз жаҳон ҳамжамятининг бир булагига сифатида жаҳон халқлари эришаётган ютуқлардан ҳам баҳраманд бўлишимиз мақсадга мувофиқдир.

V.Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2010.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. –Т.: Ўзбекистон, 1992.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, тараққиёт шартлари ва барқарорлик кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997.
4. Каримов И.А. Тарих хотирасиз келажак йўқ. –Т.: Ўзбекистон, 1998.
5. Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни-халқ, миллатни миллат қилишга хизмат этсин. –Т.: Ўзбекистон, 1998.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср сари интилоқда. –Т.: Ўзбекистон, 1999.
7. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. –Т.: Ўзбекистон, 1999.
8. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси-халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. –Т.: Ўзбекистон, 2000.
9. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
10. Алимова Д. Инсоният тарихи-ғоя ва мафкуралар тарихидир. –Т.: Ижод дунёси, 2002.
11. Бегматова А., Рустамова Р. Миллий ғоя тарғиботи ва маданий-маърифий тадбирлар. –Т.: Маънавият, 2008.
12. Бобоев Ҳ., Ғофуров З., Исмоилов З. Миллий истиқлол мафкураси ва тараққиёт. –Т.: Янги аср авлоди, 2001
13. Бобоев Ҳ., Ғофуров З. Ўзбекистонда сиёсий ва маънавий-маърифий таълимотлар тараққиёти. –Т.: Янги аср авлоди, 2001.
14. Ватан юракдаги жавоҳир. –Т.: 2001.
15. Жалолов А. Ўзбекистон: мустақиллик, маънавият, мафкура. –Т.: Ўзбекистон, 1994.
16. Жўраев Н. Ғоявий иммунитет.-Т.: Маънавият, 2001.
17. Жўраев Н. Янгиланишлар концепцияси.-Т.: Маънавият, 2002.

18. Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. –Т.: Ўзбекистон, 2008.
19. Иброҳимов А. Бизким, ўзбеклар... –Т.: Ўзбекистон, 1999.
20. Имомназаров М., Саидов У Миллий тараққиётнинг маънавий-ахлоқий асослари.-Т.: Академия, 2005.
21. Исоқов Б. Зиёлилик масъулияти.-Т.: Маънавият, 2008.
22. Маънавий юкланиш йўлида. –Т.: Маънавият, 2008.
23. Миллий истиқлол, ғоясини шакллантиришда ташкилий-услубий ёндошувлар. –Т.: Академия, 2002.
24. Назаров Қ. Миллий истиқлол ғоясининг асосий мақсад ва вазифалари. – Т.: Ижод дунёси, 2002.
25. Саидов У. Миллий ғоя ва маънавий тараққиёт тамойиллари. –Т.: Академия, 2005.
26. Миллий ғоя вараҳбар масъулияти. –Т.: Академия, 2007.
27. Туленов Ж., Юсупов К, Ғофуров З. Истиқлол ва тараққиёт мафкураси: мақсад ва йўналишлар. –Т.: Ўзбекистон, 1993.
28. Тураев Ш. Демократик жараёнлар ва миллий ғоя. –Т.: Маънавият, 2008.
29. Умаров Б. Глобаллашув зидиятлари. –Т.: Маънавият, 2006.
30. Чориев А., Мансуров А. Ғоя, тарих ва миллий тафаккур.-Т.: Маънавият, 2002.

